

Xabar

21
(922)-son

21-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Дастурий ечимлар майдони

Ахборот технологиялари соҳаси жадаллик билан ривожланмоқда. АКТнинг таркибий бўлаги ҳисобланмиш дастурий маҳсулотлар бозорида ҳам янгиликлар беқиёс. Бунга 18-19 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган «BEST SOFT UZBEKISTAN 2010» дастурий маҳсулотлар Миллий кўргазмасида гувоҳ бўлдик. Мамлакатимиз софтвер саноатининг бутуни ва келажаги ҳақида маълумот берган мазкур кўргазмада 70дан ортиқ компания энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалари билан иштирок этди.

Баркамол авлод йили Давлат дастурида белгиланган жорий йил алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб тадбирлар қаторидан ўрин олган «BEST SOFT UZBEKISTAN 2010» кўргазмаси соҳа ҳаётидаги оддийгина воқеа бўлиб қолмай, балки бутун мамлакатимиз дастурлаш саноатининг ютуқларини намойиш этувчи, мутахассислар учун ўзаро тажриба алмашиш, янги ғоялар ва ишланмаларни юзага чиқарувчи майдонга айланди.

5-бет



Сўнгги янгилик!

Хитой Фанлар академияси олимлари интернетга уланишнинг янги усулини топишди. Бунинг учун кўк рангли ёруғлик диодларидан фойдаланилади, маълумот узатиш эса чироқ нури тебраниши частотаси модуляцияси ҳисобига амалга ошади. Бир пайтнинг ўзида бу LED-чироқлар билан хонани ҳам ёритиш мумкин.

Олимлар бу усулда интернетга уланиш тезлигини 2 Мбит/с.гача етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлашган.



Ушбу сонда:

- | | |
|---|-------|
| ■ Оромгоҳлар ёзга тайёرمи? | 2 |
| ■ Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи: Янги лойиҳа | 3 |
| ■ Творческая жизнь ТУИТ | 6 |
| ■ Франция почтаси | 11 |
| ■ Компьютер саводхонлиги | 13-14 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet — сифат рамзидир
Internet Service Provider

Umaddan Umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 14 май куни Оқсаройда ўмон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдулгани қабул қилди.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ўзининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган фаолият Дастурини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди. Кўйи палата, шунингдек, ўз ваколатлари доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқди.

14 май куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти ёлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши бўйича ёлиблар, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Самарқандда хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда Баркамол авлод йили муносабати билан югуриш марафони ўтказилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида "Фонд форум", "Аёллар Кенгаши" республика жамғармаси, "Хаёт учун" миллий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур хайрия тадбирида ўқувчи ва талаба-ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва санъат намояндалари, турли жамоат ташкилотларидан беш мингдан зиёд вакиллар иштирок этди.

Навоий шаҳрида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Танлов якунида Сирдарё вилояти ёш ҳуқуқшунослари биринчи ўринга лойиқ топилди. Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти жамоалари иккинчи ўринни эгалладилар.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда "Фан-техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни" мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Париж шаҳрида пианиночиларнинг Александр Рубинштейн, скрипкачилар, алт ва виолончел ижрочиларининг Александр Глазунов номидаги халқаро танловларида қатнашган ўндан ортиқ давлат вакиллари орасида Ўзбекистон давлат консерваторияси биринчи босқич талабаси Нигора Ҳусанова ҳамда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Шукрулло Ажиметов ва Мирозим Акбаровнинг истеъдоди алоҳида эътирофга лойиқ қўрилди.

Оромгоҳлар ёзга тайёرمи?

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хайфат йиғилишида иккита масала кўриб чиқилди. Йиғилишни Хайфат раиси, Агентлик Бош директори Х.Мухитдинов бошқарди.

Мажлисида "Болалар дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш тўғрисида"ги биринчи масала селектор орқали жойларга узатилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев ахборот берди. Ахборотчининг таъкидлашича, "Ўзбектелеком" АК таркибидаги "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Наманган Телеком" ва "Бухоро Телеком" ва "ЎЗИ" ҚКнинг Жиззах ва Қашқадарё филиалларида жорий йил ёз мавсумида соҳа ходимлари фарзандларининг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил қилиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиқилиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тегишли ишлар олиб боришмоқда.

2010 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, соҳа ташкилот ва корхоналарида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 7-14 ёшгача бўлган фарзандлари сони 10014 нафарни ташкил этади. Бу йилги мавсумда уларнинг 6216 нафарини соғломлаштириш режалаштирилган. Барча оромгоҳларда маънавият-маърифат, кутубхона,

компьютер, тиббий-кўрик хоналари талаб даражасида ишлаши учун тайёргарлик ишлари қизғин олиб боришмоқда.

Мазкур масала юзасидан "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаев ҳам сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди.

Хайфатда "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 22 сентябрдаги 271-буйруғи билан тасдиқланган "2008-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли телерадиоэшиштиришга ўтиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси"ни амалга оширилиши тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари А.Гауаулина ахборот берди. У "2008-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли телерадиоэшиштиришга ўтиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси" бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Жумла-

дан, ўтган вақт давомида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение тарқатиш ҳудудлари яратилди. 2008 йилнинг 1 сентябридан рақамли телевидение дастурлари тест тартибида эфирга узатила бошланди. Ҳозирги кунда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение абонентлари сони 561 нафарни ташкил қилади. Рақамли телевидение қамровини кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳрига қўшимча учта, Самарқанд шаҳрига битта рақамли телеузаткич ўрнатиш бўйича шартнома тузилган. Айни пайтда Тошкент шаҳрида иккита рақамли телеузаткич ўрнатиш ишлари олиб борилапти. Шу билан бирга, Нукус, Қарши, Андижон ва Урганч шаҳарларида рақамли телевидение ўрнатиш бўйича тендер ўтказилди. Унда ёлиб чиққан "Инверсон" ва "Курт митерфернер" компаниялари билан шартнома тузиш ишлари амалга оширилмоқда. "UNICON.UZ" ДУК томонидан телерадиоэшиштириш соҳасига тегишли мавжуд учта норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди ва янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиқилмоқда.

Хайфат мажлисида кун тартибидаги ҳар иккита масала атрофича муҳокама қилиниб, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Имконияти чекланганлар учун АРМ

Тошкент шаҳридаги Республика кўзи оғизлар марказий кутубхонаси ҳамда Кўзи оғизлар жамияти қошидаги "Санъат гулшани" маданият саройида кўриш имконияти чекланган инсонлар учун ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятини бошлади.

Эндиликда ҳар қандай кўриш имконияти чекланган инсонлар махсус JAWS дастурий таъминоти билан жиҳозланган компютерлар ҳамда SARA, TOPAZ махсус ускуналари ёрдамида ахборот технологиялари оламини ўрганиш, турли адабиётлардан фойдаланиш, газета-журналлар ўқиш, интернет тармоғидан фойдаланиш, мулоқот қилиш, маълумот алмашиши мумкин бўлади.


Марказ компютерларига уланган махсус дастурий таъминот экранда акс эттирилган матнни овозли шаклга ўтказиб беради, сканер босма адабиёт ва нашрларни овозли шаклга ўтказиши, махсус катталаштирувчи



ускуна эса кўриш имконияти заифлашган инсонларга мустақил равишда босма адабиёт ва бадий китобларни ўқиш мумкин бўлган даражада катталаштириб, мониторга чиқариб беради.

Ахборот-ресурс марказидан кўзи оғиз фуқаролар, кўзи оғизлар жамияти тизимидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарда хизмат қилувчилар, кўзи оғиз болалар интэрнат-мактаби ўқувчилари ва ўқитувчилари фойдаланадилар.

Ўз мухбири



Дастурчилар миллий форуми

Шу йилнинг 17 май куни Алоқа тарихи музейида “BEST SOFT UZBEKISTAN 2010” доирасида Ўзбекистон дастурчиларининг миллий форуми ўтказилди. Ушбу форум учинчи йилдирки, Ўзбекистон софтвер саноатининг етакчи мутахассисларини жамламokban.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси А.Жўрабоев, Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникация ва ахборот тизимлари масалалари департаменти вакили С.Насриддинов, Microsoft корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа ваколатхоналари билан ишлаш бўйича директори Р.Хофманн, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори-

нинг ўринбосари А.Хўжаев табрик сўзлари билан иштирок этишди.

“BEST SOFT UZBEKISTAN 2010”нинг ўтказилиш санаси тасодифий белгиланмаган. Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан 2005 йилда “Ахборот ҳамжамиятининг халқаро куни” деб эълон қилинган 17 майга тўғри келади ва шу нуқтаи назардан ўтказилаётган тадбирларни Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусга қўшаётган ҳиссаси деб белгилаш мумкин.

Миллий дастурчилар форумига дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасидаги етакчи мутахассислар тўғрисида. Унда Ўзбекистон софтвер саноати, очик дастурий таъминот, унинг маҳсулотлари ва ечимлари ҳамда ИТ-таълимнинг ривожланиш муаммолари, истиқболлари, шунингдек, қўллаб-қўллаш долзарб масалалар муҳокама этилди.

Форум дастурий таъминот соҳасидаги янгиликлар билан танишиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш соҳасидаги етакчи мутахассислар билан тажриба алмашиш, мамлакатда дастурий таъминот соҳасини институционал қўллаб-қувватлашга оид таклифларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш, соҳа тараққиётига оид жараёнларни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда софтвер саноати соҳасида мутахассисларни тайёрлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш имконини берди.

Кун давомида Microsoft, Softline, Intelgent Solutions, M-Portal, UNICON.UZ, Berkano Plus, ЁДТҚҚМ, New Century Technologies Group каби етакчи компаниялар ҳамда мамлакат олий ўқув юрлари вакиллари компютер қарқчилиги, маълумотларни муҳофаза қилиш, ҳокимият ва АКТнинг ўзаро ҳамкорлиги, замонавий технологияларни қўллаш, дастурлаш тиллари, турли жараёнларни автоматлаштириш ва бошқа қатор мавзулардаги 30га яқин маърузалар билан қатнашишди.

Лазиз ТИНЧЛИКОВ

Учрашув

Баркамол авлод йили муносабати билан “Матбуот таркатувчи” АКда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Республика маънавият тарғиботи марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими бошлиғи Ҳалима Жуманиёзова иштирок этди.

Ҳалима Жуманиёзова компания ишчи-ҳодимлари, матбуот дўкони сотувчилари ҳамда хусусий тадбиркорларга Баркамол авлод йили Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятини бандманд мисоллар орқали тушунтириб, ҳозирги кунда ушбу Дастур асосида республикамизда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

HAMKORLIK UFQLARI

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи:

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон ИТ-Ассоциациясида “Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Ўзбекистон/Марказий Осиё давлатлари ўртасида АКТ соҳасидаги илмий-техник ҳамкорликнинг ривожланиши: ҳамкорликнинг имкониятлари ва аҳамияти” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ЕИнинг “Ахборот технологиялари жамияти — Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун очик билимларга йўл” (ISTOK-SOYUZ) 7-дастури лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилган мазкур семинарда мамлакатимиз ҳамда қўшни давлатлардан АКТ соҳасида фаолият юритаётган қирқдан ортиқ вакиллар иштирок этди.

Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи (ЕЕСА) давлатлари ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорликнинг янги имкониятларини излаб топишни мақсад қилиб олган ISTOK-SOYUZ (Information Society Technologies to Open Knowledge for Eastern Europe and Central Asia — Шарқий Европа ва Марказий Осиё очик билим технологияси ахборот жамияти) янги халқаро лойиҳасига 2009 йилнинг 1 январидан старт берилган эди. Ушбу лойиҳанинг аҳамияти шундаки, ЕЕСА давлатларида илмий тадқиқот ва технологик ишланмалар соҳасида умумий потенциални баҳолаш ва ривожлантиришга қўмаклашди, шунингдек, бу борадаги халқаро ҳамкорлик шакли, йўналиш имкониятларини белгилаб беради.

Семинарда лойиҳа директори Светлана Клецова ҳамда ISTOK-SOYUZ эксперти Николай Пакулин лойиҳа ҳақида умумий тушунчалар бе-



риб, унда қатнашиш шартлари, Марказий Осиё давлатлари АКТ ташкилотлари учун лойиҳанинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида гапирдилар.

ISTOK-SOYUZ лойиҳасининг вазифаларидан бири Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва ЕИ давлатлари ўртасида АКТ соҳасида илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш учун салоҳиятни баҳолаш ва дастлабки имкониятларни идентификациялашдир. 2009 йили ЕИ ва Марказий Осиё давлатларининг АКТ соҳасидаги илмий-техник ҳамкорлик салоҳияти экспресс-текширувдан ўтказилди. Натижада Марказий Осиёдаги тўртта давлатдан ҳам бирдек тавсифдаги қўйдаги ҳулосалар олинди:

– барча мамлакатларда ахборот инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Мазкур соҳада замонавий

АКТ технологиялари ва ечимларини татбиқ этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш;

– иқтисодийнинг алоҳида тармоқларида илмий тадқиқот ўтказишни ва технологик ишланмалар/ечимларни талаб қиладиган АКТ-топириқлар (масалан, газ қазиб олиш ва етказиб бериш соҳасида масофавий назорат, масофавий тиббиёт);

– ЕИдаги АКТ соҳасида тадқиқотлар олиб боровчи мутахассис ва олимлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаат мавжуд.

ISTOK-SOYUZ лойиҳасининг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас, сабаби АКТ соҳасида мамлакатимизда етарлича тажриба тўпланган, соҳани ривожлантириш учун қатор қарор ва қонунлар ишлаб чиқилган. Лекин, шунга қарамадан, европалик тадқиқотчилар ўзбекистонлик ҳамкорлари салоҳияти тўғрисида керакли ахборотга эга эмас. Аксарият ҳолларда бунга АКТга ихтисослашган илмий жамоаларнинг ўзларини тармоқ ҳамжамиятида, маълумотлар базасида етарли намойиш этмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Семинарда юқоридаги масалалар атрофича муҳокама қилинди. Қатнашчилар лойиҳа ташкилотчиларига ўзлари фаолият юритаётган АТ ташкилотлари ҳақида, амалга ошираётган ишлари, мавжуд имкониятлари борасида маълумот бердилар.

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ,
“Хабар” мухбири

Xalqaro haqot



ХАРБИЙ БАЗАНИ БЎШАТИБ ҚЎЙИНГЛАР!

Япониянинг Окинава оролида бўлиб ўтган норозилик намойишида 17 минг киши иштирок этди. Улар оролдаги АҚШ ҳарбий базасини ўраб олишиб, ҳукуматдан базани ёпишни талаб қилишди. Окинава ороли Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ бошқарувида қолган эди. 1972 йили Оқ уй бошқарувни Япония ҳукуматига топширганди.

Токио ва Вашингтон 2006 йилнинг май ойида АҚШ ҳарбийларини оролнинг Футэмма шаҳридан Гинован шаҳрига кўчиришга келишган эди. Аммо бу келишувга японияликлар норозилик билдиришди. Шу боис Япония янги бош вазири аҳолининг талабини ҳисобга олиб, бу қарорни қайтадан қўриб чиқиш масаласини кўтарди. Шунинг учун ҳарбий база Футэммада турибди.

ЗАРАР ХАМ КУВОНАРЛИ

Испаниянинг Iberia авиакомпанияси жорий йил биринчи чоратида 52 миллион евро миқдорда зарар кўрганини билдирди. Аммо бу ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда икки баравар камдир.

Таҳлилчилар аввалроқ компаниянинг зарари 57 миллион еврога етиши мумкинлигини тахмин қилишганди. Ушбу натижа Iberianing муаммоларни аста-секин бартараф этиши туфайли йўловчилар ташиш ҳажмини ошгани, жаҳон бозориди ёнлиги нархнинг пасайгани билан боғлиқ.

ТАДКИКОТ ИШЛАРИ ТЎХТАМАЙДИ

Эрон, Бразилия ва Туркия ташқи ишлар вазирлари Техрондаги илмий-тадқиқот реактори учун кам бойитилган уран юзасидан лойиҳалар алмашиш бўйича битимга имзо чекишди. Бу ҳақда АРР хабар тарқатган.

Reuters агентлиги Эрон ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Рамин Меҳмонпараст маълумотига таяниб хабар беришча, Эрон Туркияга қайта ишлаб юқори бойитилган шаклга келтириб, илмий мақсадларда ишлатиш учун 1200 кг кам бойитилган уран жўнатди.

Яқин кунларда Техрон келишилган битим шартлари ҳақида Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ)ни хабардор қилмоқчи.

Ниҳоят Туркия ташқи ишлар вазирлиги Аҳмад Довутғўли Туркия, Бразилия ва Эрон ўртасидаги Эрон ядровий муаммоси юзасидан эришилган битимнинг ютуқлари ҳақида маълум қилган. Унинг айтишича, Бразилия ва Туркия тақлифи Эроннинг бойитилган уранга эга бўлиш ҳуқуқини тан олишни кўзлайди.

АҚШ ва бир қатор Европа давлатлари Эронни доимгидек тинчлик мақсадлари дастури остида ядро қуроли яратиш устида иш олиб бораётганлиқда айбламқдалар. Расмий Техрон эса барча айбловларни рад қилиб, ўз ядро дастурлари фақат ва фақат мамлакатнинг электр энергиясига булган талабини қондиришга йўналтирилганини таъкидлапти.

ЖОНИВОРЛАР ЁНИБ КЕТДИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги Instituto Butantan тадқиқот марказида ёнган келиб чиққан.

Марказ ноёб жониворлар сақланадиган дунёдаги энг катта мажмуалардан бири бўлиб, бу ерда илон, ўргимчак ва чаён сингари судралиб юрувчилар сақланар эди. Ёнган оқибатида жониворларнинг қарийиб саксон мингта яқин тури ёниб кетган. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган юридик шахслар томонидан қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари, давлат ва соҳа стандартларининг бажарилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лицензия шартлари бажарилиши ва уларга риоя қилинишини таъминлаш борасида Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалга асосан “Sogd Telekom” ХКга режали текшириш ўтказилди.

Масъулиятли бўлайлик

Текшириш натижасида ушбу корхонада соҳага тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, мижозлар билан тузилган хизмат кўрсатиш шартномасида ҳуқуқшунос ҳулосаси олинмаганлиги, Жиззах ва Нуробод шаҳарларидаги студиялар орқали лицензия шартномасига киритилмаган ҳудудларда кабел телевидение хизматлари кўрсатилаётганлиги, вилоятдаги студияларда “Fabetmos” русумли жами бешта модуляторлардан рухсатномасиз фойдаланилаётганлиги, ўлчов воситалари метрологик қиёслашдан ўтказилмаганлиги, айрим студияларда қўриқлаш ва ёнган хавфсизлиги бўйича талаблар тўлиқ бажарилмаганлиги бўйича камчиликлар аниқланди ҳамда корхонага камчиликларни бартараф этиш учун тегишли кўрсатма берилди. Кўрсатмада кўрсатиб ўтилган камчиликлар ҳозирги кунда бартараф этилган. Соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя этмаганлиги учун корхона раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддасига асосан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

“Unitel” ХК МЧЖ ва “COSCOM” ХК МЧЖларнинг филиалларида ҳам режали текширишлар ўтказилди. Текширишлар жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан филиалларга кўрсатмалар берилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лицензиясиз ноқонуний радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланаётган ва хизмат кўрсатаётган субъектларни аниқлаш мақсадида тегишли органлар билан тузилган режа-жадвалга асосан ўтказилган тadbирлар натижасида бешта субъект лицензиясиз маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатаётганлиги аниқланди. Лицензиясиз фаолият юритаётганлиги юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тўғрисида Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармасига ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда чора кўриш учун тақдим этилди ва субъектларга огоҳлантириш хатлари юборилди.

Ноқонуний РЭВ ва ЮЧҚлардан тегишли рухсатномасиз фойдаланаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тadbирлар даво-

мида 16та шахс томонидан 323та РЭВдан ноқонуний фойдаланилаётганлиги аниқланди. Ўн битта шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддасига асосан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Телекоммуникация соҳасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича “Самарқанд Телеком” ва “ЎЗИ-Самарқанд” филиаллари билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан тузилган тadbирлар режасига асосан Нуробод, Ҳўлғў, Жомбой ва Пайариқ телекоммуникациялар боғламаларида ўрганишлар ўтказилди. Натижада телекоммуникациялар боғламаларида линия кабел иншоотлар техник меъёрга эмаслиги, статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланмаганлиги, алоқа хизмати ва сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг жорий таъмирлаш режаси тўлиқ бажарилмаганлиги, кроссдаги бирламчи ҳужжатлар йўриқнома асосида юритилмаганлиги, Пастдарғом, Иштихон, Пахтачи туман марказий АТСлари ҳамда Пайариқ ТТБда 2та АТС, “ЎЗИ-Самарқанд” филиали тасарруфидаги 328, 307, 298, 364, 369, 329, 327, 218, 314-АТСлар 2-энергокириш билан таъминланмаганлиги маълум бўлди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, почта алоқаси объектларида соҳага тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишига эришиш, хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда почта жўнатмалари ва пул маблағлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси ва “Ўзбекистон почтаси” оқик акциядорлик жамияти ўртасида 2009 йилда ҳамкорликда ишлаш бўйича имзоланган келишувга асосан 2009 йил давомида Тойлоқ, Қўшработ, Пайариқ ва Оқтош почта алоқаси тармоқларида ўрганишлар ўтказилди.

Ўтказилган ўрганишлар жараёнида соҳага тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар талабларини қўпол равишда бузилиши ҳолатлари, жумладан, буюртмалар жўнатмаларнинг етказилиши назорат қилинмаслиги, хабарларга бир марта тарқатиш учун белгиланган пул маблағлари меъ-

ёрига амал қилинмаслиги, 11-12 фойиз пенсия ва нафақа пуллари ни ишончномасиз бошқа шахсларга тўланиши, статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланмаганлиги, аҳолидан тўловларни қабул қилиш вақтида 47-шакл дафтаридан чиқатлар ўз вақтида ёзилмаслиги ва дафтарнинг почта қоидалари асосида юритилмаётганлиги, 81-шакл гувоҳномаларни кузатувчиларга топшириш ва қабул қилиш бўйи-

ча назорат ўрнатилмаганлиги, ўрганилган алоқа бўлимлари почта тўлов белгилари билан таъминланмаганлиги, 130-шакл кундалик дафтарлари юритилиши талаб даражасида эмаслиги, 22-шакл иккиламчи хабарномалар ўз вақтида ёзилмаслиги, алоқа бўлимларига юборилган мадад пуллари кечиктирилиб кириш қилиниши ва алоқа бўлимлар томонидан буюртмалар хатлар олувчига кечиктириб етказилиш ҳоллари мавжудлиги аниқланди.

Ушбу хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун филиалнинг бўйруқлари билан 46 ходима имтизомий чоралар кўрилган.

Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда, Давлат алоқа инспекциясининг тегишли фармоишига асосан почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, почта жўнатмаларига тўғри ишлов берилишини ҳамда назорат муддатларида манзилларга етказилишини назорат қилиш мақсадида Самарқанд вилояти ДАИ томонидан 2009 йил давомида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали хизмат кўрсатиш ҳудудида жойлашган почта қўтилари ва алоқа бўлимлари орқали жами 65та оддий ва 75та буюртмалар назорат хатлари жўнатилиб, почта алоқасининг универсал хизматлари назорат қилинди. Назорат жараёнида хатларга нотўғри ишлов берилиши, назорат муддатидан кечиктирилиб етказилиши, Иштихон почта алоқаси тармоғига қарашли Шехлар, Чимқўрғон, Иштихон-2 алоқа бўлимлари томонидан эса хатлар 4, 8, 13 кунлаб почта қўтиларидан кеч олиниши ҳолатлари аниқланди.

Почта жўнатмаларининг назорат муддатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйганлиги ҳамда почта жўнатмаларига нотўғри ишлов берганлиги учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиалининг бўйруқлари билан 33 ходима имтизомий чоралар кўрилди.

Ўрганиш ўтказилган барча корхоналарда келгусида камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан чора-тadbирлар белгиланиб, бажарилиши Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси назоратига олинган.

А.ШАРИПОВ,
Самарқанд вилояти
ДАИ бошлиги

BEST SOFT UZBEKISTAN 2010:

Дастурий ечимлар майдони

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Кўрғазманинг очиلىш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, БМТ Тараққиёт Дастури Самарали бошқарув бўлими бошлиғи С.Саидхўжаев ва бошқалар иштирок этишди. Таъкидландики, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар яратишга ихтисослаштирилган ташкилотлар учун Президентимиз Ислам Каримов қарори билан солиқ чеғирмалари амалга киритилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон дастурлаш маҳсулотлари бозори сифат ва сони кўрсаткичларининг сезиларли даражада ўсиши учун асос яратди. Дастурий таъминот соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар сони доимий равишда ўсиб бормоқда, дастурий маҳсулотлар бозори ҳажми ва лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси кенгайяпти ҳамда малакали дастурчилар сони ошмоқда.

Бу йилги кўрғазмада дастурий маҳсулотлар миллий бозорини ривожлантириш борасида муваффақиятли фаолият юритаётган 70дан ортиқ корхона иштирок этди. Агар ўтган йили 40дан ортиқ компания қатнашганини ҳисобга олсак, бир йил ичида қарийб икки баравар кўп корхоналар ўзининг энг муҳим ва самарали лойиҳаларини намойиш қилиш учун жамланганига гувоҳ бўламиз.

“BEST SOFT UZBEKISTAN



2010” дастурий маҳсулотлар миллий кўрғазмаси кенг омма ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларига мамлакатимизда дастурий таъминот соҳаси лойиҳаларини яратиш ҳамда имплементация қилиш амалиёти билан танишиш имкониятини берди. Бу ерда республикаимиз дастурий маҳсулотлар саноатининг бизнес-ҳамжамии ва аҳолининг кенг қатлами вакиллари учун мўлжалланган мавжуд ҳамда истиқболдаги ютуқлари тақдим этилди.

Кўрғазмада қатор лойиҳалар иштирокчилар эътиборини жалб этмасдан қолмади. UZINFOCOM марказининг Маълумот маркази тизими, “UNICON.UZ” ДУКнинг “E-HUJLAT”, “E-XAT”, “E-KALIT”

дастурий маҳсулотлари, таълим йўналишидаги янгилликлар, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари томонидан тақдим этилган ишланмалар, дастурчиларни тайёрлаш тизими, ҳужжат айланиши, банк тизимида жорий этилган дастурий маҳсулотлар, хавфсизлик масаласи ҳамда иш жараёнида замонавий технологиялар асосидаги янгилликлардан фойдаланиш, веб-дизайн ва шу каби қатор йўналишларда эътиборга молик ютуқ ва тақлифларни кузатиш имкони туғилди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларга интернет орқали тақдим этиш, интерактив давлат хизмати кўрсатиш йўлга

қўйилган. Бу — солиқ тўловчиларга қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг сарф-харажатларини камайтириш, солиқ тўловчилар вақтини тежаш ва бошқа қатор қулайликларни яратади. Давлат солиқ қўмитаси вакилининг эътирофи билан, мазкур хизматлар қўмитанинг расмий веб-портали орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — LexUz аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Мутлақо бепул фойдаланиш имкони яратилган мажкур тизимнинг мақсади, имкониятлари, ундан фойдаланиш ҳамда афзалликлари ҳақида кўрғазма иштирокчиларига батафсил маълумотлар берилди.

Кўрғазмада мутлақо янги лойиҳалар тақдим этилди. Улардан бири Q-MATIC мижозлар навбатини электрон бошқариш тизимидир.

— Мазкур тизим мижозлар навбатини электрон бошқариш йўналишида жаҳоннинг етакчили-

ридан ҳисобланади, — дейди компаниянинг жамоатчилик билан алоқалар менежери Анна Терещенко. — Q-MATIC компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дистрибутор Billur Comдир. Биз кўрсатилган замонавий хизматлар орқали бизнесда даромadni ошириш, компания мавқеини кўтариш, мижозларга хизмат кўрсатишда жаҳон стандартларидаги сервисни тақдим этиш, уларга қулайликлар яратиш имкони туғилади. Маълумки, кўлаб соҳаларда, жумладан, банк тизими, интернет-провайдерлар, тиббиёт муассасалари, мобил алоқа компаниялари, давлат бошқарув органлари, аэропортлар, супермаркет ва бошқа йўналишларда кўпинча мижозлар оқими пайдо бўлади. Навбатни қулай ва тартибли ташкил этиш ҳамда масаланинг тезкор ечимини топишда бизнинг электрон қурилмаларимиз жудаам қўл келади. Тизимни жорий этган корхоналар янада кўпроқ мижозларни ўзига қарата оладилар. Қуриб тур-



ганингиздек, мижоз махсус қурилма орқали навбат танлайди ва тик ҳолда эмас, қулай шартнода ўз навбатини кутиб туради. Электрон чақирув мижозлар навбатини галмагал эълон қилади.

Веб-дизайн йўналишида муваффақиятли фаолият олиб бораётган компаниялардан бири Sarkor Solutions компаниясидир. Компания томонидан шу кунгача 98та сайт яратилган. Sarkor Solutions директори Феруза Асқарованинг таъкидлашича, “BEST SOFT UZBEKISTAN 2010” кўрғазмасида энг сўнгги ишланмалар, 1С-Битрикс дастурий платформасидан фойдаланиш бўйича маълумотлар, Poletim.uz авиабилетларни бронлаштириш бўйича лойиҳа тақдими намойиш этилди.

Хуллас, кўрғазма энг сўнгги ишланмалар, қизиқarli ва муҳим дастурий ечимлар майдонига айланди. Шу ернинг ўзида томонлар ўртасида қатор шартномалар, келишувлар имзоланди.

“BEST SOFT UZBEKISTAN 2010” форум ва кўрғазма билан чегараланиб қолгани йўқ. Унинг бу йилги дастурий ўта сермзмундир. Тадбир доирасида 15дан ортиқ семинарлар, ўнлаб мастер-класслар ҳам ўтказилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Бўш иш ўринлари ярмаркаси

“BEST SOFT UZBEKISTAN 2010” доирасида қатор тадбирлар ўтказилди. Шулардан бири АКТ соҳаси мутахассисларини ишга жойлаштириш ва касбий йўналтиришга қаратилган — “АТ-мутахассис карераси куни” бўш иш ўринлари ярмаркасидир.

Ушбу ярмарка жорий йилда тусда ташкил этилди. Алоҳида павилионда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, дизайн, ахборот технологияларини ривожлантириш, АТ-соҳасида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи компанияларга мутахассислар, тизимли администраторлар, веб-дизайнер ва дастурчилар, модераторлар, IP-телефония муҳандислари ва бошқа мутахассислар учун бўш иш ўринларини эълон қилиш имкони туғилди. Профессиналлар қаторида олий ўқув юрларининг истеъдодли талабалари ҳам фаол иштирок этишди.

Ярмарка SuperJob портали ҳамкорлигида уюштирилди, унда 50га яқин компаниялар ўзининг бўш ўринлари билан қатнашдилар.



Творческая жизнь ТУИТ

Одна из особенностей Ташкентского университета информационных технологий – это его творческая жизнь.

Во время повседневной учебной суеты, любому современному студенту иногда хочется внести некий релакс, частичку веселья в однообразную, томную учебную жизнь. И в этом ему помогает Клуб художественной самодельности ТУИТ.

Этот клуб образован в 1956 г. и действует до сих пор. Деятельность его ориентирована на организацию праздничных концертов, мероприятий, конференций и собраний. Каждый год в него вступают все больше и больше творчески одаренных и талантливых студентов ТУИТ. Среди

них: певцы, танцоры, любители театрального участия, ораторы, художники, участники ансамблей и множество студентов, пробующие себя в разных других областях искусства, как и национального, так и современного жанра. Каждый из них вкладывает частичку себя в организацию концерта, и старается сделать его как можно ярче и интересней.

Клуб художественной самодельности ТУИТ состоит из двух народно-инструментальных ансамблей и одной европейской, вокально-инструментальной группы «FUN тазёры».

«Я работаю в этом клубе, с молодежью, вот уже 18 лет. Несмотря на то, что наш университет является техническим, у нас очень много талантливых ребят, проявляющие свои таланты в разных жанрах. В основном, они обогащают концерты песнями, танцами, театральными сценками.



Многие наши студенты участвовали в областных и республиканских конкурсах, заняли призовые места, получили много наград и подают большие надежды в искусстве», — выражается зав. клубом Руба Гарибовна Валиева.

Конечно, в Клубе есть и постоянные, незаменимые участники, без которых не обходится ни один концерт. Так, например, организаторы групп — Руслан Садуллаев, Шерзод Азизов и Камола Нуримова, а также участники группы «FUN тазёры»: Дилшод Содиков, Диёр Пулатов, Рустам Шарипов, Бехзод Обидов, Мубина Тоирова и др. Каждый из этих

участников вкладывают все свои усилия в организацию концертной программы, дарят зрителям плоды своего собственного искусства: красивые песни, танцы, сценки и игру на музыкальных инструментах. Каждый концерт в ТУИТ проводится незабываемо ярко и интересно. И, конечно же, в этом есть неоценимый вклад каждого студента...

К. НУРИМОВА,
студентка ТУИТ,
член клуба «Ахборот»

На снимке: коллектив Клуба художественной самодельности ТУИТ



14 КОМПЬЮТЕРОВ ОТ «БИЛАЙН» НАШЛИ ОБЛАДАТЕЛЕЙ

15 мая в Центральном офисе «Unitel» состоялся розыгрыш призов среди абонентов предоплатной системы расчетов «Билайн». Напомним, что в рамках акции абонентам «Билайн» необходимо было ежедневно с 6 по 30 апреля пользоваться услугами компании: голосовой связью, SMS, MMS или мобильным Интернетом.

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью ООО «Unitel» Ораз Абдуразаков отметил: «Прекрасно, что наши акции находят такой позитивный отклик у абонентов. Это уже второй розыгрыш призов за неполные три месяца, но мы не намерены останавливаться на достигнутом. Клиенты «Билайн» могут быть уверены, что в ближайшем будущем их ожидают еще более масштабные интерактивные проекты».



На мероприятии присутствовали десятки желающих, которые и сами принимали активное участие в розыгрыше, и помогали выбрать победителей. Интерактивный режим отбора предусматривал определение победителей исключительно самими абонентами. В итоге почти все присутствовавшие в этот день участники розыгрыша, помогавшие определять номера победителей, называя цифры номера абонентов, получили за свою активность полосатые подарки, а 14 счастливых стали обладателями персональных компьютеров.

МИРОВОЙ РЫНОК ИНТЕРНЕТ-РЕКЛАМЫ ВЫРАСТЕТ НА 20%

В 2010 году рынок интернет-рекламы в мире вырастет на 20%, а печатный сектор отрасли — только на 10%. Такие оценки по развитию рекламного рынка прозвучали на 42-м Всемирном рекламном конгрессе.

Основная причина постепенного «ухода» рекламы в Сеть, как считают эксперты, в том, что доля торговли через интернет постоянно растет и, соответственно, это будет привлекать новых рекламодателей.

По информации старшего вице-президента и управляющего директора Yahoo! Рича Райли, человечество проводит в Сети 27 млрд. часов ежегодно, и этот показатель вырастает на 20% в год.

YOUTUBE ПОКАЗЫВАЕТ БОЛЬШЕ 2 МЛРД. ВИДЕОРОЛИКОВ В СУТКИ

YouTube в сутки передает пользователям по всему миру более 2 млрд. видеороликов. Подобный размах трансляций делает YouTube конкурентом крупнейших мировых телеканалов. Аудитория YouTube в сутки уже превышает аудиторию большинства американских телеканалов, за исключением гигантов вроде CNN, CBS и Fox.

Сейчас количество профессиональных медиа-партнеров сайта превышает 1000 и каждый из них имеет свой коммерческий интерес. Ежеминутно на YouTube загружается более 24 часов видео, а суммарная продолжительность видео, просматриваемого за сутки, превышает 46 лет. Средний пользователь сайта проводит на YouTube около 15 минут.

«YouTube в перспективе будет более активно продвигать свои услуги в среде рекламодателей и правообладателей, предлагая различные схемы сотрудничества», — заявил Хантер Уолк, директор по развитию продуктов YouTube.



51% ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В ЗОНЕ .RU ДОМЕНОВ - «ПУСТЫШКИ»

В 2009 году зона .ru стала лидером по темпам роста среди крупных национальных доменов интернета. Число зарегистрированных доменных имен в ней выросло на 37%. Однако гордиться особенно нечем, пишет Marker.ru.

Из 2,8 млн. зарегистрированных доменов в зоне .ru только половина (49%) — полноценные сайты-сайты людей, компаний или организаций.

Вторая половина — неиспользуемые и «технические» домены (созданные поисковыми оптимизаторами, интернет-мошенниками и т. п.). За последние годы оптовые цены на регистрацию доменов в зоне.ru упали до менее чем 100 рублей, из-за чего в национальный российский домен пришли «раскрутки», хакеры и пр. из многих стран мира. В 2010 году рост зоны замедлится, рассказали изданию в Координационном центре национального домена сети Интернет (КЦ).

Около 1 млн. из 2,8 млн. зарегистрированных в российской зоне имен — домены-однолетки, права на которые едва ли будут продлевать. Больше половины однолеток — сайты для поисковой оптимизации (SEO) и так называемые парковки — сайты, где весь контент составляет реклама. Обычно в качестве «парковок» используются домены, очень схожие по написанию с адресами популярных сайтов. У одного только популярного сайта odnoklassniki.ru около тысячи клонов с похожими названиями.

Kahar +tv

ОЎЗБЕКИСТОН

05.55 Курсутовлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Йили».
7.10 «Йили тақдир» Т/с.
07.50 «Тонги наволари»
8.00 «Тахлилнома»
9.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»
09.45 «Болалар дунёси»
10.15 «Алика кулу орти ўлкасида» М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Ахборот»
11.15 «Радиога ташир»
11.30 «ЎзНАНО: Миллионлар ёшлар куйида»
11.55 «Йили»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий сериал: «Дил парванди»
«Болалар сайёраси»
13.35 «Ана-уна Грими эртавлари» М/с.
14.00 «Ахборот»
15.50 «Хосн мусокии хазинасида»
16.40 «Ўзбекистон табияти»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Хавф ва қону»
«Болалар сайёраси»
17.35 «Эрталаб» - яхшиликка етаклар»
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
18.00 «Йили»
18.05 «Олтин мерос»
18.15 «Эмбир симфонияси» Т/с.
18.50 «Батан манзиллари» Т/с.
19.15 «Йили»
19.20 «ТВ - шифокор»
19.25, 20.00, 20.55 Ёшларлар.
19.30 «Ахборот» рус/
20.05 Миллий сериал: «Дил парванди»
20.45 «Батанминни куйлайман»
21.00 «Ахборот»
21.40 «Agromintech Expo - 2010»
21.55 «Бетховен вируси» Т/с.
22.35 «Йили»
22.40 «Шу шу» Б/ф.
00.15 - 00.25 «Охун»
00.25 Курсутовлар дастури.
00.35 «Батан манзиллари»
01.00 «Ахборот» рус/
01.35 «Батанлар»
02.15 «Йили»
02.20 - 05.20 «Маънавият» дастури.
03.20 «Салом, Ёшлар!»
04.00 «Ахборот»
04.35 Талабга: «Қаллик уйин»
05.15 «Йили»
05.20 «Ўзбекистон табияти»
05.45 - 05.55 «Охун»



06.30 «Салом, Ёшлар!»
07.10 «Даврини боласи»
07.20 «Мультианорам»
08.00 «Қор алангаси» Т/с
08.40 «Инсон психологияси»
09.10 «Тақдир кўссалари» Т/с.
09.50 «Хавф симфонияси»
10.00 «Давр» Хайфа Якуни.
10.30 «Мактабим»
10.40 «Кулол ва ғўзал»
11.00 «Муҳижзавий дунё»
11.50 «Ўзгаришлар даври» Т/с.
13.10 «Даврини боласи»
13.20 «Миллий мультфильм»
13.40 «Сирли ўрмонча»
14.00 «Салом, Ёшлар!»
14.40 «Бугун»
15.20 «13-студия»
15.50 «Баркамоллик сари»
16.00 «Давр»
16.10 «Даврини боласи»
16.20 «Мультианорам»
16.30 «Қатта таъриф»
17.00 «Ўлар» Т/с
17.00 «Универсиада-2010»
18.20 «Шарк гаҳахари»
18.50 «ЎзБ»
19.00 «Давр»
19.30 «Ишқ жодуси» Т/с

ДУШАНБА — 24 МАЙ

20.20 «Давр мавзуси»
20.40 «Автопарули»
21.00 «Ёшлар парвози»
21.10 «Тақдир кўссалари» Т/с.
21.55 «Йили»
22.00 «Давр»
22.10 «Қор алангаси»
22.30 «Шарк гаҳахари»
23.10 «Ўзгаришлар даври» Т/с.
01.00 «Салом, Ёшлар!»
01.40 «Ўрб бехори»
02.00 «Давр»
02.30 Жаҳон киноси: «Уй моҳираси»
04.00 «Даврини»
04.50 «Юрт тинчилиги»
05.00 - 06.30 Миллий кино: «Осмондаги болалар»

КОММЕНТАРИЙ

07.25 Курсутовлар тартиби.
07.30 «Салом, Тошкент!»
08.35 «Ўқувчилик парвози» Б/ф.
10.00 Мумтоз наволар.
10.05 «Эмералда» Т/с
10.35 «Фарзандлик бекати»
10.50 «Карвонаро»
11.00 «Саргузаштлар ороли»
11.25 «Робинзон Крузонинг саргузаштлари»
11.50 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Йили»
15.00 «Йилтаъ»
15.10 «Эмералда» Т/с
15.40 «Кушлар ҳақида ҳикоят» Х/ф.
20.30 «Ўқувчилик парвози»
16.30 «Булғарча ва барбар» М/ф.
17.20 «Карвонаро»
17.30 «Болаликка қайтиб»
17.50 «Тошкентнинг илм манзиллари»
18.00 «Йилтаъ»
18.20 «Биз ифори» Т/с 4-қисм.
19.10 «Йили»
19.25 Миллий сериал: «Чемпионлик озуси» 11-қисм.
20.00 «Йилтаъ»
20.20 Бизнес-Йилтаъ»
20.25 «Телекуратор-маркет»
20.40 «Инсон матонаси» Т/с.
21.10 «Қадр орқиди»
21.30 «Йилтаъ» рус/
21.55 «Алдо қурбонлари» рус/
22.10 «Телекуратор-маркет»
22.25 «Кино SMS со звездами»
22.30 «Элвин и бурундуки» Х/ф.
00.00 «Йилтаъ» рус/
00.20 Курсутовлар тартиби.
00.25 «Осмондаги болалар»
00.55 Ночной сеанс: «Полцейский из Бевебли Хиллс» Х/ф.
02.40 «Кушлар ҳақида ҳикоят» Х/ф.
03.30 Тунги кинона: «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» Б/ф.

СПОРТ

07.00 «Хайли тонг»
17.15 Хабарлар
07.25 Болалар майдонаси.
Тонги гимнастика.
«Спортландия»
Мультифилм.
08.00 «Тренеруемс вместе»
08.15 ХАБАРЛАР
08.30 «Малахов +»
09.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Шуртан»
Татакатори.
11.05 «Олимп сари»
11.25 «Ринг қироллари»
12.25 Рекламдар, натижалар, рефтинлар.
12.30 Футзал. Осиё чемпионати. Ливан - Хитой Тайпей. Тургидан - турки олиб кўрсатилади.
14.00 Теннис. Варшава турнири.
15.00 Футзал. Осиё чемпионати. Тожикистон - Қувейт. Тургидан - турки олиб кўрсатилади.
16.30 Болалар майдонаси: «Спортландия»

Мультфильм.
17.00 ХАБАРЛАР
17.30 Футзал. Осиё чемпионати. Индонезия - Ўзбекистон. Тургидан - турки олиб кўрсатилади.
19.05 «Жозиба»
19.20 Футбол шарҳи.
19.50 Саломатлик хазинаси.
20.00 Футзал. Осиё чемпионати. Австралия - Эрон. Тургидан - турки олиб кўрсатилади.
21.30 «Наша семья»
21.45 ХАБАРЛАР
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 Бокс. Жаҳон хитира турнири.
23.05 Сешанба дастури анонси.
23.15 Ойир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
23.55 Футбол. Товарищеский матч. Англия - Мексика. Прямая трансляция.
01.50 Тунги хабарлар.
02.00 «Хайли тонг»

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 Малахов +
09.30 Мотивный приговор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Аистик»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 Прямая. Простите.
14.25 «Хочу знать» с Михаилом Шварцманом
14.55 Т/с «Обручальное кольцо»
15.50 Федеральный судья
17.00 Вечерние новости
17.20 Т/с «След»
18.20 «Дашай покенимся!»
18.55 «Жизнь моя»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Ермоловы»
21.30 «Остров по имени Бродский»
22.30 «Школа»
23.00 Ночные новости
23.10 «Познер»
00.15 Гении и злодеи

РОССИЯ 1

04.00 «Утро России»
08.05 Молния-Фудий. Погоня за шаровым.
09.00 «О самом главном»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Бести»
13.30, 16.30, 19.15 «Местное время. Вести - Москва»
10.50 Т/с «Богатая и любимая»
11.45 Т/с «Путевые»
12.40 «Бести. Джамная часть»
13.50 Т/с «Каменская»
15.30 «Кулагин и партнеры»
16.35 Т/с «Дворцы»
17.05 Т/с «Евдокия»
18.00 Т/с «Слово женщине»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Застывшие доллары»
21.55 «Мой серебряный шар»
Лилия Суваркина.
22.50 «Бести»
23.10 Боевик «Час пик 2»

НТВ

06.00 «Сегодня утром»
07.30 «Криминальный подвздош»
08.30, 14.30, 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.15 «Сегодня»
09.20 «Средний класс»
10.00 Т/с «Стоплайн... Невыученные уроки»
11.00 «Судя присужден»
12.30 Т/с «Адвокат»
13.30 Т/с «Знаки судьбы»
15.30 Т/с «Фарма на допросах»
18.30 Т/с «Бомж»

21.20 Т/с «Час Волкова»
22.35 «Честный понедельник»
23.35 «Школа злословия»
00.15 «Роксовый день»

РОССИЯ К

06.00 Канал «Евроньюс»
09.00, 14.30, 18.30, 22.30 «Новости культуры»
09.20 «Кто там...»
10.00 Х/ф «Нахаленок»
11.00 «Линия жизни» В. Вульф.
11.55 Телеэксперт «Чужой»
14.35 «Все о собаках» Японский хит.
14.40 Т/с «Розовые камни»
15.35 Д/с «Остров орнугуланов»
16.00 «В честь Елены Образцовой. Не только опера...»
16.50 Д/ф «Марк Твен»
17.00 «Академик» Г. Жеребцов.
«Космическая погода» 1 лекция.
17.45 Д/ф «В плену. Румынские май»
18.05 «В главной роли...»
18.50 День славянской письменности и культуры. Трансляция гала-концерта из Государственного Кремлевского дворца.
20.30 Д/ф «Иосиф Бродский. Разговор с небожителем»
21.15 «Тем временем»
22.50 Д/ф «Хроника мгновений»
23.20 Д/ф «Три дня и больше «никогда»
00.15 Д/с Шуберт. Интродукция и вариации.
00.40 «Академик» Г. Жеребцов.
«Космическая погода» 1 лекция.
01.30 Д/ф «Монтипилло. Реальная утопия»
01.45 Д/ф «Робеспьер»

СТС

07.00, 14.30 М/с
08.30 Т/с «Игрушки»
09.30, 21.00 Т/с «Воронины»
10.00 Т/с «В кавар»
10.00, 13.00, 16.30 Т/с «Талины души»
11.00, 18.30 «Галилео»
12.00 Т/с «Кремлевские курсанты»
17.30 Т/с «Ранетки»
19.30 Т/с «Дашай, молодежь!»
20.00 Т/с «Кремлевские курсанты»
22.00 Т/с «Марш»
23.00 Х/ф «Близнецы»

ТВ3

05.00 М/с.
07.00 Т/с «Альф»
08.00 Т/с «Притворщик»
09.00 Т/с «Город пришельцев»
10.00 Т/с «По ту сторону волков»
11.00 Х/ф «Планета»
13.00 «Разрушители мифов»
14.00 Т/с «Альф»
15.00 22.45 Т/с «Звездные врата»
16.00 Т/с «Затерянный мир»
17.00 Т/с «Притворщик»
18.00 Д/ф «Одни в толпе»
19.00 Т/с «Грань»
20.45 Х/ф «Дикий гризли»
23.45 Т/с «Удивительные истории»

ТНТ

05.00 «Необычно, но факт»
06.00 «Такси»
06.35 10.30 М/с.
07.30 «Комеди Клаб»
08.30, 17.30, 19.00 Т/с «Универ»
09.30, 10.00, 17.00, 18.30 Т/с «Счастливы вместе»
13.00 Т/с «Саша+Маша»
13.30 Т/с «Женская лига»
14.00 Боевик «Бой с тенью 2: Реализи»
18.00, 19.30 Т/с «Интерны»
20.00 Комедия «Дочь моего брата»
22.00 «Дом 2»
23.30 «Секс»
00.00 «Комеди Клаб»

ОТЕКЕНТОН

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10 «Икки тасвир». Т/с.
07.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Манавайит» дастури.
«Болалар сайраси»:
09.40 «Боярбай бол» М/ф.
10.00 Наманган вилояти телерадиоканонаси намойиш этакди:
1. «Баркамол ашқ».
2. «Қишлоқдаги тенгдошим».
10.20 «Бетховен вирус» Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Бемир симфонияси» Т/с.
11.45 «Ахборот».
11.50 «Ахборот» /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Ихбор».
12.55 Миллий сериал: «Дил пайванди»
«Болалар сайраси»:
13.35 «Аз-жа Грэм эртақлар» М/с.
14.00 «Ахборот»
14.20 «Ойдин ҳаёти» Ток-шоу.
15.05 «Иқлим»
15.10 «Слам ва одам» дастури: «Сут замирудилик ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Мен ёшшиман».
16.25 «Худудлар ҳаёти».
16.40 «Ўзбекистон табияти».
17.00 «Ахборот»
17.15 «Конун ҳимояси».
«Болалар сайраси»:
17.35 «Эртақлар» - яхшиликка этаклар».
17.55 «Олтин мерос».
18.05 «Иқлим».
18.15 «Бемир симфонияси» Т/с.
18.45 «Кун мазаси».
18.55 2010 йил - Баркамол алоқад йили.
«Қамолот оstonasi».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25 20.00, 20.55 Ўзбекистон.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05 Миллий сериал: «Дил пайванди»
20.45 «Датнамани куйлайман».
21.00 «Ахборот»
21.40 «Талимдаги тамизлик».
21.55 «Бетховен вирус» Т/с (Якуловчи қисм)
22.45 «Иқлим»
22.50 «Замандаш ул минг йил аввал» Б/ф.
00.25 - 00.35 «Оғун»
00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Қамолот оstonasi».
1.00 «Ахборот» /рус/
01.30 «Мен ёшшиман».
01.45 «Тарзунга» (Ешлар)
2.25 - 3.20 «Манавайит» дастури.
03.20 «Салом Ёшлар!»
4.00 «Ахборот»
04.35 «Қунарнинг бирди»
04.45 ТелеТварт: «Қаллик уй»
05.25 «Ўзбекистон табияти»
05.45 - 05.55 «Оғун».



06.30 «Салом, ёшлар!»
07.10 «Давринг боласи».
07.20 «Мультиплатформа».
08.00 «Қор аланаси» Т/с.
08.40 «Инсон психологияси»
09.10 «Тақдир кўрсатилар» Т/с.
09.50 «ЎзЕХ»
10.00 «Давр»
10.10 «Ватанпарвар»
10.50 «Қишлоқдаги тенгдошим»
11.00 «Муҳажират дўни»
11.50 «Эгизлар дўни» Т/с.
12.50 «ЎзЕХ»
13.00 «Давр»
13.10 «Давринг боласи»
13.20 «Миллий мултифильм»
13.40 «Сотик» - бойлик»
14.00 «Салом, ёшлар!»
14.40 «Катта уй»
15.20 «Ўзбекистон ашқлари»
15.30 «Қарақуллик ёшлар»
15.50 «Баркамоллик сари»
16.00 «Давр»
07.10 «Даврининг боласи»
07.20 «Мультианорама»
08.00 «ЎС АХАБАРЛАР»
08.40 «Иқлим психологияси»
09.10 «Такдир қиссалари» Т/с.
09.50 «ЎзЕХ»
10.00 «Давр»
10.10 «Сорини қўлар»
10.50 «Ёшлар ва талим»
11.00 «Музыкавий дунё»
11.20 «Ўзбекистон даври» Т/с.
12.50 «ЎзЕХ»
13.00 «Давр»
13.10 «Даврининг боласи»
13.20 «Миллий мулфатилм»
13.40 «Сорини қўлар»
14.00 «Салом, ёшлар!»
14.40 «Чемпион»
15.00 «Тарангум»
15.50 «Баркамоллик сари»
16.00 «Давр»
16.10 «Даврининг боласи»
16.20 «Мультианорама»
16.30 «Келажак эълари»

16.40 «Тасвир ва таасурути»
17.00 «ЎзЕХ» Т/с.
18.00 «ЎзЕХ сирлари»
18.20 «Шарқ гаҳари»
18.50 «ЎзЕХ»
19.30 «Давр»
19.50 «ЎзЕХ жиддуи» Т/с.
20.20 «Бунин»
20.50 «Ёшлар парвози»
21.10 «Такдир қиссалари» Т/с.
21.50 «ЎзЕХ»
22.00 «Давр»
22.30 Миллий сериал: «Чоррақад-ги йил»
23.10 «Шарқ гаҳари»
23.40 «Ўзбекистон даври» Т/с.
00.40 «Ўзбекистон даври»
01.00 «Салом, ёшлар!»
01.40 «ЎзЕХ баҳори»
02.00 «Давр»
02.30 Жаҳон киноси: «Кекса ақлоқлар»
03.10 «Тарангум»
04.50 «Сорт тилиги»
05.00 - 06.30 Миллий кино: «Шум бола»

ТОШКЕНТ

07.25 Кўрсатувлар дастури.
07.30 «Салом, Тошкент»
08.35 «Карвонарсой»
08.45 Мултоз наволар.
08.55 «Эммералда» Т/с 113-қисм.
09.30 «Тошкент»
09.40 Бизнес-Полиатх.
09.45 Миллий сериал: «Чемпионлик озуғи» 14-қисм.
10.15 «Репортаж»
10.25 Жаҳон музыкаси дурдакалари В. А. Моцарт.
10.30 «Тошкент» Т/с.
10.45 «Дом собор» Т/с 13-қисм.
11.10 «Менинг мақдлам»
11.30 «Ўлдузини бер омон» Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент»
14.00 «Дун» теледастури.
14.55 «Иқлим»
15.00 «Тошкент»
15.10 «Эммералда» Т/с 114-қисм.
15.40 «Дулонал»
16.55 «Янги нуқта»
16.30 «Алломши» М/ф.
16.40 «Карвонарсой»
16.50 «Нима учун?»
17.30 Баркамол аълод йили:
«Эртаник эълари»
17.45 «Саломат бўлинг!»
18.00 «Тошкент»
18.20 «Бз иқори» Т/с 8-қисм.
19.20 «Ўзбекистон»
19.25 Миллий сериал: «Чемпионлик озуғи» 15-қисм.
20.00 «Тошкент»
20.10 Бизнес-Полиатх.
20.25 «Телекурер-маркет»
20.40 «Иқлим матонат» Т/с.
21.10 «Истеъдод»
21.30 «Тошкент» Т/с.
21.50 «Телекурер-маркет»
22.05 «Кино SMS со звездами»
22.10 «Кейт и Лео» Х/ф.
22.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 «Тошкент» Т/с.
00.20 «Спортив дари»
00.50 Ноочий санас: «Красный пояс» Х/ф.
02.30 «Қушлар қаҳда ҳақиқат» Х/ф.
03.20 «Истеъдод»
03.35 Тунги киносанас: «Ўлдузини бер омон» Б/ф.

SPORT

07.00 «Ўзбекистон»
07.15 ХАБАРЛАР.
07.25 Болалар майдончаси:
Тонги гимнастика.
«Спортландия»
Мулфатилм.
08.00 «Спортмизика маликалари»
08.15 ХАБАРЛАР.
08.30 «Малаҳов»
09.20 Футзал. Осиё чемпионати.
Чорак финал.
10.45 «ПрофРинг»
11.35 Велоспорт. «Жиро д'Италия»
2010. Кўкумлик велополга.
12.10 «Ор атлетика. Ўзбекистон чемпионати»
13.00 Рокмар, натиқалар.
Рейтинлар.
13.05 Болалар майдончаси:
«Спортландия»
Мулфатилм.

13.35 Футбол. 1 - лига, тур жисоти.
13.45 Теннис. Роллан Гаррос турнири.
15.20 Пенкх силат. Ўзбекистон чемпионати.
15.50 «БРЕН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
16.30 Футзал. Осиё чемпионати.
Ярим финал. Туркидан - турки омиб қўриқлади.
18.00 Болалар майдончаси:
«Спортландия»
Мулфатилм.
18.30 ХАБАРЛАР - «Универсиада»
2010 - қўндалиги.
18.50 Саломатлик хазинаси.
19.00 Футзал. Осиё чемпионати.
Ярим финал. Туркидан - турки омиб қўриқлади.
20.30 «Универсиада - 2010»
Уйиларида.
21.30 ХАБАРЛАР - «Универсиада»
2010 - қўндалиги.
21.45 «Универсиада - 2010»
Уйиларида.
22.45 «Аттика слушаёт»
23.30 шайба дастури анюси.
23.40 Жаҳон. Бразилия «Улан тоқ» турнири.
00.40 Тунги хабарлар.
00.50 «Ўзбекистон»

1 БИРИНЧИ

04.00, 08.05 «Добро утро»
08.00, 11.00, 14.00 Новости
08.30 Малахов
09.30 Малахов тригвор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Участок»
12.20 «Детективы»
13.00 «Другие новости»
13.25 Прости, Прости
14.25 «Хочу знать» с Михаилом Шварцманом
14.55 Т/с «Обручальное кольцо»
15.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.20 «Поле чудес»
18.00 «Давай поженимся»
18.55 «Гость гостя»
20.00 «Время»
20.30 Х/ф «На краю стою»
22.10 Х/ф «Полторы коматы»
01.30 Х/ф «Бог знает, мистер Аллисон»

РОССИЯ 1

04.00 «Утро России»
05.00 «Музыканты»
06.15 «Мой серебряный шар»
Рубина Никитова
09.10 «О самом главном»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Вести»
10.30, 13.30, 16.15, 19.30 «Местное время. Вести»
10.50 Т/с «Богатая и любимая»
11.45 Т/с «Путь к мечте»
12.40 «Вести. Деловая часть»
13.50 Т/с «Тайны следствия»
15.30 «Кулаки и партнеры»
16.35 Т/с «Дворики»
16.50 Т/с «Евросон»
17.00 «Слова женщины»
19.50 «Спокойной ночи, малыши»
20.00 «Юрмала»
21.55 «Давать»
22.50 Х/ф «Отваженные последствия»
01.00 Боевик «Мерцающий»

НТВ

04.30 Т/с «Государственная граница» Фильм 3 «Восточный рубеж»
06.00 «Сегодня утром»
07.30 «И снова здравствуйте!»
08.30 «Особое мнение»
09.00, 12.00, 18.00 «Сегодня»
09.20 «Средний класс»
10.00 Т/с «Стопы!»
11.00 «Суд присяжных»
12.30 Т/с «Афродита»
14.30, 17.30, 19.30 «Чрезвычайное происшествие»
15.30 Т/с «Вернуть на доследование»
18.30 «Следствие вели»
19.55 «НТВШоки». Питер против Москвы.

20.45 Х/ф «Залезь на луну»
22.30 «Женский вепль» Н. Захарова
23.20 Детектив «Дикая река»

РОССИЯ К

05.30 Канал «Евромакс»
09.00, 14.30, 16.30, 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли...»
09.50 Х/ф «Командант Птичьего уса»
11.05 Д/с «Замки Августсбург и Фалькенбург»
11.20 «Аргиппина Ватанова. Великая и ужасная»
12.05 Д/с «Рим: рассвет и закат империи»
«Вторжение в Британию»
12.50 Индустриальные музеи.
«Музей биологии»
«Береговая карусель»
13.15 Х/ф «Строганов»
14.35 «В музей - без поводка»
14.50 М/ф «Кулио привидение»
«Береговая карусель»
15.05 Телевикторина «За семью печатями»
15.35 Д/с «Остров орангутанг»
16.00 А. Ханатун. Санта из балета «Ганя»
16.20 «Разночтение. Хроники литературной жизни»
21.50 Д/с «Возвращение блудного сына»
17.00 «Эпизоды»
17.45 «Вокруг света»
18.50 «Сфера»
19.30 Х/ф «День, ночь. И потом рассвет»
21.05 «Литературная жизнь»
22.00 «Великие театры мира»
«Береговая карусель»
22.55 «Пресс-клуб ХХ»
23.50 «Кто там...»
00.15 Концерт.
00.55 «Сфера»

СТС

07.00, 14.30 М/с
08.30 Т/с «Игрушки»
09.30, 10.30, 13.00, 16.30, 21.00 Т/с «Пальцы дождя»
10.00 Т/с «Б карьер»
11.00 Т/с «Марш»
12.00 Т/с «Кремлевские курсы»
17.30 Т/с «Ранетин»
18.30 «Талисман»
19.30 Т/с «Давать молодежи»
20.00 Т/с «Кремлевские курсы»
22.00 Х/ф «Отступники»
00.50 Т/с «Давать молодежи»


ТВ3

05.00 М/с
07.00 Т/с «Альф»
08.00 Т/с «Притяжение»
08.50 Х/ф «Затерянный мир»
11.00 Д/с «Особо опасно. Школа»
12.00 Д/с «Институт Сербского»
13.00 «Разрушители мифов»
14.30 Т/с «Альф»
15.00, 23.00 Т/с «Звездные врата Атлантида»
16.30 Т/с «Затерянный мир»
17.00 Т/с «Санта-Моника»
18.00 Т/с «Робин Гуд»
21.00 Х/ф «Чудовище»
00.00 Т/с «Грань»
01.00 Х/ф «Формула судного дня»

THT

05.00 «Необычно, но факт»
06.00 «Такси»
09.35, 10.30 М/с
07.30 «Комеди Клаб»
09.30, 17.30 Т/с «Универ»
09.30, 10.00, 17.00, 18.30 Т/с «Оставлены вместе»
11.00 Т/с «Саша и Маша»
13.30 Т/с «Женское лига»
14.00 «Comedy Woman»
15.00 Боевик «Крутая Джорджия»
18.00 Т/с «Интереры»
19.00 «Битва экстрасенсов»
20.00 «Комеди Клаб»
21.00 «Comedy Woman»
22.00 «Дом 2»
23.30 «Секс»

Франция почта хизмати — La Poste компаниялар гуруҳи мамлакат ичида ва Францияга қарашли денгизорти ҳудудлари — Реюнон, Гваделупа, Мартиника ва Француз Гвианаси, шунингдек, Сен-Пьер ва Микелон ҳамда Майотта ҳамжамиятларида почта хизмати кўрсатади. Колаверса, қўшни митти князликлар — Монакода тўлик ва Андоррада Испания почтаси билан ёнма-ён фаолият юритади. Почта хизматларидан ташқари, компаниялар гуруҳи банк, курерлик ва экспресс-этув хизматларини ҳам фаол ривожлантирмоқда. La Poste мамлакатда ҳукуматдан сўнг энг йирик иш берувчи ҳисобланади.



ФРАНЦИЯ ПОЧТАСИ

La Postening Франциядаги тармоқлари сони 17 мингта бўлиб, шулардан 5 мингтаси ҳамкорлар томонидан бошқарилади. Унинг ColiPoste номи бўлинмаси мамлакат бўйлаб жўнатмалар етказилишини таъминлаётган бўлса, GeoPost шўъба компанияси халқаро миқёсда шу йўналишда хизмат кўрсатади. Молиявий хизматлар омонат жамғармалари ва қўллаб соҳаларда етакчи миллий провайдер саналган почта банки — La Banque Postale томонидан амалга оширилади.

Французлар ёзишади

Компаниялар гуруҳи амалиётларининг катта қисmini хат-хабарлар ташкил этади. Бу йўналишдаги хизматларни Le Courrier бўлинмаси бажаради. Ташкилот бозорнинг келгуси талабларидан келиб чиқиб хизматларини замонавийлаштириш ва эркин рақобатта мослашиш борасида доимий изланишда. Айни пайтда кенг қўлмалли дастур асосида новаторлик бизнес-ечимлар ва технологияларни жорий этишга киришилган.

Бу бўлинма хат-хабар етказиш борасида Европада иккинчи ўринда туради, унинг компаниялар гуруҳидаги улуши эса 55,6 фоизга тенг. Ҳар кун 100 минг нафар почтачи почтани етказиш учун босиб ўтадиган масофа умумлаштирилса, сайёрамизни 50 марта айланиб чиқишга тенг қиймат чиқади.

2008-2009 йилларда Францияда хат-хабарлар жўнатилиши кескин камайишга учради (6,2 фоиз) — почта амалиётларида иқтисодий инқироз шу тарзда намоён бўлди. Нохуш ҳолатта қарши тарифларни пасайтириш орқали барҳам беришга киришилса-да, барибир, реклама varaқалари, жисмоний шахсларнинг почтасини жўнатиш, директ-маркетинг хатлари ва обуна асосидаги босма нашрларни тарқатиш соҳалари инқироздан четда қолмади. Аммо худди шу даврда почтани етказиш сифати бирмунча яхшиланди: оддий хатларнинг 86,4 фоизи, олингани тасдиқланадиган хатларнинг 96,5 фоизи жўнатилганининг эртаси



куни манзилига етказиб берилган.

Икки кунлик экспресс

ColiPoste ва GeoPost шўъба компаниялари Европада жўнатмалар етказиш бўйича иккинчи ўринда туради. Юқорида айтилганидек, уларнинг бири Францияда, иккинчиси халқаро майдонда фаолият кўрсатади.

Самарали ишлаш учун замонавий инновацион ечимлардан фойдаланилади. Масалан, ColiPoste мижозларини жўнатма келгани ҳақида реал вақт тартибидан SMS-хабар орқали бохабар қилади. Жўнатмани кеча-кундуз ишловчи тақдим этиш шохобчалари — Cityssimo (улар Францияда 30та бўлиб, 60 минг киши фойдаланмоқда)га келиб олиб кетиш ёки ҳафтанинг олти кунда ишловчи 2700та оператор орқали уйда туриб ҳам олиш мумкин. 2008 йили ColiPoste савдо ҳажми 1,4 миллиард еврони ташкил этди, 93 фоиз жўнатма манзилга икки кунда етказилди. Умуман олганда, 2008 йил мазкур бўлинма учун рекордлар йили бўлди: ўша йили компания тарихидаги энг кўп — 270 миллионга жўнатма етказиб берилди.

Халқаро жўнатмалар (GeoPost) асосан DPD бренди остида етказилади. Бўлинма 40дан ортиқ мамлакатларда жўнатмаларни йиғди ва дунёнинг 230 мамлакатидидаги 300 мингдан зиёд мижозга етказилади. Компаниянинг Европадаги

маёқсини ўз бозорларида етакчи шўъба компаниялар таъминламоқда. Хусусан, Chronopost Франция ва Португалияда, Ехарақ Францияда, DPD Германия, Белгия, Ирландия, Швейцария, Полша, Чехия, Венгрия, Словения, Украина, Россия, Люксембург, Буюк Британия, Болтиқбўйи ва Болқон ҳудудидан салмоқли фаолиятта эга. Бундан ташқари, Буюк Британияда Interlink Express, Грецияда Interattica, Руминияда Pegasus, Испанияда Secur шўъбалари ишлаб турибди. Шунингдек, Осиё мамлакатлари — Туркия, Қозғистон, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Яқин Шарқда тобора ўз ўрнини топмоқда. Африкада эса GeoPost International ва DPD фаолияти йўлга қўйилган. Жами ҳисоблаганда, жаҳон бўйича GeoPostга қарашли хаб ва станциялар сони 800тани ташкил этади ва улар йилига 550 миллионгача тезкор жўнатмани амалга оширишга хизмат қилади. Дунёнинг 40та мамлакатидан Франция почтаси учун 20 минг ходим меҳнат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози, албатта, GeoPost бозорларига ҳам жиддий таъсирини ўтказди — 2008 йили унинг даромади 6,3 фоизга пасайиб кетди, 2009 йилда эса, жорий маълумотларга қараганда, пасайиш 4,5 фоиз бўлган. Шунга қарамастан, La Poste электрон тижоратни муваффақиятли йўлга қўйиш ҳисобига жўнатмалар соҳасидаги йўқотишларни қоплашга эришди.

(Давоми бор.)

Болаларни телевизордан қутқаринг!

Канадалик ва америкалик олимлар икки ёшли болаларнинг телевизор кўриши салбий оқибатларга олиб келади, деган ҳулосага келишди. Салбий оқибатлар келгусида боланинг мактабда дарсларни ўзлаштиришда оксашидан тортиб, балоғат даврида турли зарарли одатларга ружу қўйишигача ўз ичига олади.

Монреал ва Мичиган университетлари, Сент-Жюстин университетининг тадқиқотлар маркази ўтказган тадқиқот ишлари-ни Канаданинг Ижтимоий ва гуманитар фанлар кенгаши молиялаштирди.

Канаданинг Квебек провинциясида болаларни узоқ муддатли ўрганиш доирасида ўтказилган тадбирда 1314та бола ўрганилди. Уларнинг ота-оналаридан болалари 28 ва 53 ойлик пайтида қанча вақт телевизор кўрганлиги сўраб, қайд этиб боришди. Ўқитувчилар эса болаларнинг дарсларни ўзлаштириши, уларнинг психологик ҳолати, жисмоний саломатлиги ва тана вазнларини белгилаб боришди.

Монреал университети психология профессори ҳамда Сент-Жюстин тадқиқотлар маркази ходими, доктор Линда Пагани журналистларга берган интервьюсида тадқиқот яқунлари билан ўртоқлашди: “Аниқланишича, телевизор қаршисида ўтказилган ҳар бир қўшимча соат болаларнинг мактабга қизиқишларини пасайтиради ва математика фанини ўзлаштиришини сусайтиради, қолаверса, синфдошларининг таъсирига тушиб қолишига олиб келади. Бундай болалар камҳаракат бўлиб қолишади, табиийки, бу ҳолат уларда ортиқча вазнини келтириб чиқаради”.

Тадқиқот муаллифлари болалар учун телевизор кўришининг энг ёмон даври 2-4 ёшлар оралиғи эканлигини алоҳида тилга олишган.

“Илк болалик — миянинг ривожланиши ва боланинг ёшга доир мослашадиган даври, буни асло унутманг, — дейди доктор Пагани. — Бу даврда кўп вақтни телевизор кўришга сарфлаш зарарли одатларнинг шаклланишига замин яратади”.



ЗАРАР РАҚАМЛАРДА

Юқоридаги тадқиқотта кўра, болаликда ойнан жаҳон қаршисида ўтказилган кўп вақт келажакда қуйидаги иллатларда намоён бўларкан:

- мактабга қизиқиш 7 фоизга камайди;
- математикани ўзлаштириш 6 фоизга камайди (адабиётларни ўқишга таъсири кузатилмаган);
- синфдошлар таъсирига тушиб қолиши 10 фоизга кўпаяди (устидан кулишади, писанд қилишмайди, ҳақорат қилишади, дўшослашади);
- дам олиш кунларида жисмоний фаоллиги 13 фоизга камайди;
- асосий овқатланишдан ташқари овқатланиш 10 фоизга кўпаяди;
- тана вазни 5 фоизга опади.

Интеллектуал бойлик

Статистик маълумотларга кўра, меҳнат ресурсларининг моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидан ахборот соҳасига қайта таксимланиш жараёни шунга олиб келдики, ҳозирдаёқ ривожланган мамлакатларда аҳолининг 50 фоиздан кўпроғи ахборот соҳасида меҳнат қилмоқда.

Ахборот ресурслари мамлакатларнинг миллий бойлигига айланиб бормоқда. Улардан фойдаланиш самарадорлиги эса кўпроқ даражада бугун мамлакатнинг иқтисодий қудратини белгиламоқда.

Навбаҳор туманида 2004 йилнинг сентябридан фаолият бошлаган Агроиктисодиёт коллежи қишлоқ ёшларининг шаҳарликлардан кам бўлмаган шароитларда юқори билим чўққиларини эгаллашларига яратилган имкониятлардан биридир. Мазкур таълим масканида 12та йўналиш бўйича 1081 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Шундан компьютер тармоқлари монтажчиси ва таъмирловчиси йўналишига талаб катта. Деярли барча таълим муассасаларида таълим технологиялари, айниқса, ўқитишнинг

интерфаол усуллари кенг қўлланилмоқда. Замонавий компьютер ва мультимедия воситаларидан фойдаланиб, таълим олувчиларга касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг ижодий қobiliятини ривожлантириш борасидаги саъйи ҳаракатларимиз ўз самарасини берапти.

Жумладан, талабаларимиз Малика Эрматовна, Ҳаёт Файзиевлар республика телевидениесининг “Ўйла, изла, топ” интеллектуал ўйинида иштирок этиб, финал босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Яна бир ўқувчимиз Мафтуна Орипова кейинги икки ўқув йилида ҳам фан олимпиадасидан нафақат туманда, балки вилоятда ҳам фахрли ўринларни қўлга киритиб келаятганлиги бизнинг фахримиздир.

Ёшларимизнинг ана шундай ютуқларни қўлга киритишида коллежимизда ташкил этилган ахборот-ресурс марказининг замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланганлиги ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Марказда китобларнинг электрон шаклини ўқиш, китобхоналарнинг ахборот объектларини мустақил излаш, йиғиш, таҳлил қилиш, ахборот объектларини моделлаштириш, лойиҳалаштиришлари учун шароитлар етарли. Китобхон бевосита ахборот узатиш тизимлари ва алоқа каналларидан фойдаланади. Китобхонлар зарурий фан, таълим, маданият ва бизнесга оид маълумотларни йиғма электрон каталогдан, гиперматн, мультимедия, интернет, электрон почта тизимларидан олишлари мумкин.

Электрон ресурслар бўлимида ахборот-ресурс марказида қўлланиладиган компьютер дастурларидан Word, Excel, Windows 2002 тизимида иш олиб борилмоқда. Бўлимда 32 та электрон диск, 307-номда электрон ўқув дастур ва дарсликлар мав-

жуд бўлиб, улардан дарс жараёнида фойдаланилади. Бўлимда АРМ фонди ахборот блоқи мавжуд ва улар янги келган адабиётлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда.

Бўлимда “Интернет нима?”, “ZiyoNET фан ва билимлар олами” каби электрон дискетлардан кўргазмалар ташкил этилганлиги бу тезкор ва замонавий хизматлардан кенг фойдаланиш имконини яратмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг яна бир қулай ва ибратли жиҳати — ундан нафақат ўқувчилар, балки маҳалла аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётганидир. Уларнинг интернет хизмати ҳамда кунлик матбуот нашрларидан фойдаланаётганлиги бунга мисол. Ахборот-ресурс маркази 12та маҳалла билан ҳамкорликда фаолият юритяпти. Барча маҳаллаларга АРМ ходимлари беришган бўлиб, кўчма кутубхоналар ташкил этилган.

Мухлиса Тўраева,
Навбаҳор агроиктисодиёт
коллежи кафедраси муdiri

Ишончини оклаймиз

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. Мен ушбу даргоҳда таълим олаётганимдан фахрланаман.

Ўтган йили филиалимизнинг 320 ўринга мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда бу ерда 400 нафарга яқин талаба таҳсил оляпти. Филиалимизда битта факультет ва учта кафедра иш юритмоқда. Ахборот технологиялари факультетида тўртта йўналиш: информатика ва ахборот технологиялари, ахборот сервис, телекоммуникация ва касбий таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Аудиториялар замонавий усунулар билан жиҳозланган бўлиб, ўқиш жараёнида бешта электрон доскадан фойдаланамиз.

Керакли ахборот олишимиз учун филиалимизда ахборот-ресурс маркази ишга туширилган, унда 28 ўринга мўлжалланган ўқув зали ва 20 ўринли электрон ўқув зали мавжуд. Ахборот-ресурс маркази фонди 3700 тани ташкил этади. Шу билан бирга, АРМдан 20 турдаги газета ва беш турдаги журналлар, профессор-ўқитувчиларимизнинг маъруза матилари, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Россиядан махсус буюртма асосида келтирилган 200дан ортқ адабиётлар юл олган.

Бир сўз билан айтганда, истеъдодли ёшлар, йигит-қизларнинг ўзи қизиққан соҳаларида етук инсон бўлиб етишишлари учун олийгоҳда тегишли шарт-шароитлар яратилляпти.

Филиалимизда истеъдодли, иқтидорли талабалар жуда кўп. Бунинг исботи турли танловлар, мусобақа ва фан олимпиадаларида яхши натижалар олаётганимиздир. Жумладан, Саламат Аvezов “Келажак овози-2008” кўрик-танлови республика босқичи голиби, Азизбек Қодиров “Келажак овози-2010” кўрик-танлови республика босқичи совриндори ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус стипендияси голиби, Низомиддин Холмуратов “Камолот” ЕИХ ва “Меҳр нури” фонди томонидан таъсис этилган “Таълим гранти” совриндори. Мен ҳам филиалимиз номидан 2009 йил “Зулфай” мукофотига таълим йўналиши бўйича қатнашиб, Қорақалпоғистон республикаси босқичида голиб бўлдим.

Президентимиз таъкидлаганидек, келажак ёшлар қўлида. Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади. Биз Юртбошимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Зухра АХУНБЕТОВА,
ТАТУ Нукус филиали
2-босқич талабаси



Иқтидорлилар эътиборда

Қарши ахборот технологиялари коллежи ўқув ва амалиёт дарсларида 8та компьютер синфхонаси ва 120та компьютер ва техник воситалардан фойдаланилади.

Таълим муассасаси асосан компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш, уларнинг дастурий таъминоти, ҳалқаро алоқа, информатика ва коммуникация тизимлари, уларнинг дастурий таъминоти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган.

Коллежда Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги, Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Германия тараққиёт банки ҳамкорлигидаги қўшма лойиҳа доирасида АКТ ихтисослиги бўйича янги касбдаги мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг касб-ҳунар сирларини мукамал ўрганишлари учун назарий ва амалий машғулотлар замонавий технологиялар ёрдамида олиб борилади. Натижада талабалар ўзлаштирган билимларини ҳар тамонлама намойиш этиб, иқтидорлилар сафлари кенгайиб бормоқда.

2010 йил 12-16 апрел кунлари Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан Тошкентда “Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълими” лойиҳаси доирасида ўтказилган Ахборот-коммуникация технологиялари фестивалида ўқитувчи ва ўқувчилардан жами саккиз нафар киши иштирок этди. Фестивалнинг “Энг тотув жамоа” шартида дастурлаш бўйича мутахассислар учун вази-фа: махсус дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда маркетинг тадқиқоти дастурини тузишда “Энг яхши техник-иқтисодий ечим учун” номинациясида коллеж жамоаси биринчи ўринни эгаллади, 32-07 АКТ гуруҳи 3-босқич талабаси Шухрат Жўраев эса “Электрони-

ка бўйича энг яхши мутахассис” номинациясида голиб бўлди.


Коллежнинг яна бир ўқувчиси Азиза Содиқова АКТ йўналиши бўйича вилоятдаги коллежлар, академик лицейлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида фаол иштирок этди.

Коллежда изланувчан, иқтидорли талабалар фақат шулар эмас.

Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ҳудудий адлия бошқармалари ҳамкорлигида “Ҳуқуқ билимдонлари” қувноқлар ва зукколар бевлашуви 18-20 апрел кунлари Термиз шаҳрида ўтказилди. Унда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги коллеж ва лицей талабалари иштирок этиб, Қарши ахборот технологиялари коллежининг “Мусафат” жамоаси голибликни қўлга киритди. АКТ-05 гуруҳи талабаси Гулноза Дилмуродова сингари иқтидорли ҳуқуқ билимдонлари махсус дипломни ўз таълим масканига ҳада этдилар.

Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, алоқа соҳасидаги корхона ва ташкилотлар, тиббий муассасалар ҳамкорлигидаги ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. “Мен эртага ишга бораман”, “Соғлом авлод — келажак пойдевори”, “Огоҳлик — давр талаби” мавзусидаги маърифий ҳамда гуруҳлараро ташкил этилаётган турли баҳсли талбирлар кўплаб иқтидорлиларни кашф этмоқда.

Афтонди ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Диск юритувчилари — бу эгилувчан ва компакт дисклардаги маълумотларни ўқиш ва уларга сақлаш ишларни бажарадиган қисми. Компакт диск юритувчиларининг куйидаги турлари мавжуд.

CD-ROM — компакт дискларни ўқиш учун ишлатилади.

CD-RW — компакт дискларни ўқиш ва ёзиш учун ишлатилади.

DVD-ROM — компакт ва рақамли мултимедиа дискларни ўқиш учун ишлатилади.

DVD-RW — компакт ва рақамли мултимедиа дискларни ўқиш ва ёзиш учун ишлатилади.



Электр таъминловчи блок — ҳар бир қисмининг ўзига мос электр-қувват эҳтиёжини таъминловчи блок. Улар ишлаш қувватлари бўйича фарқланади.


16

КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ



(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Ички модемлар бевосита тизимли блок ичига ўрнатиладиган электрон платадан иборат. Ташқи модемлар — бу компьютер ташқарисида бўлган ва портлардан бирига уланадиган автоном электрон қурилмадир.




Сўнги йилларда модемлар ва факс-модемларга бўлган талаб ошиб кетди. Модемлар бир компьютердан иккинчисига ҳужжатлар пакетини етарлича тез ўтказиш, электрон почта орқали боғланишга имкон беради. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан алоқа қилиш учун глобал компьютер тармоғи (Internet ва бошқалар)га киришни таъминлайди.


Сканерлар. Сканер — компьютерга матн, расм, слайд, фотосурат кўринишида ифодаланган тасвирлар ва бошқа график ахборотларни автоматик равишда киритишга мўлжалланган қурилмадир. Сканерларнинг турли моделлари мавжуд. Энг кўп тарқалгани —

9

винчестер деб номланади. Винчестер номи биринчи қаттиқ диск номидан келиб чиққан (1973 йилда IBM фирмаси томонидан яратилган қаттиқ диск номи «30/30» бўлган ва бу машҳур Winchester милтигининг калибрга ўхшар эди). Улар ҳажм ва ишлаш тезлиги билан фарқланади.



Тезкор хотира микросхемалари — компьютернинг вақтинчалик хотираси. У дастурлар ишлаш жараёнида зарур бўлган маълумотларни сақлаш учун фойдаланилади. Компютер ўчирилгандан кейин шу хотирадаги маълумотлар йўқотилади.



Кэш хотира микросхемалари — компьютер томонидан дастурлар ишлаш жараёнида кўп ишлатилган маълумотларни сақлаш учун фойдаланади. Бу хотира тезкор ва доимий хотира ўртасида жойлашади.

14

Клавиатура 5 қисмдан иборат:

Асосий ёки алифбо тугмалари: Бу қисми 57та тугмадан иборат: 37 лотин ҳарф ва белгилар, 10 рақам ва 10 махсус тугмалар. Кўп тугмаларда бир нечта белгилар ёзилган. Ҳар хил рангда ёзилган ҳарфлар, белгилар ҳар хил тил стандартига мос. Тил стандартини ўзгартириш клавиатураларда ҳар хил (ўнг Alt ва Shift ёки иккита Shift ёки ўнг Ctrl ва Shift тугмаларни бирга босиш). Shift — агар сиз ҳарфлар тугмасини боссангиз, у ҳолда кичик ҳарф киритилади, агар сизга катта ҳарф керак бўлса, у ҳолда махсус Shift тугмани босиб, қўйвормасдан шу ҳарф тугмасини босишингиз керак. Агар битта ранг билан бир нечта белгилар ёзилган бўлса у ҳолда улардан пасткидаги асосий, юқоридаги пассив деб номланади. Тугмани босганингизда асосий белги киритилади. Агар пассив белги керак бўлса, у ҳолда махсус тугмани босиб, қўйвормасдан белги тугмасини босишингиз керак. Ctrl ва Alt — шу тугмаларни босиб туриб бошқа тугмани босганингизда ҳар хил амаллар бажарилади. Caps Lock — бу тугма ёрдамида Shift босилиб турган ҳолатини (фақат ҳарфлар учун) ёқамиз ёки ўчирамиз. Tab — кейинги бўлимга ёки қисмга ўтиш. Backspace — олдин (чапда) жойлашган битта белгини ўчириш. Enter — янги сатрга ўтиш ёки маълумотларни киритиш. Esc — охириги ҳаракатдан воз кечиш.

Функционал тугмалар: Махсус буйруқлар ва амалларни бажариш тугмалари F1-F12. Ҳар хил дастурларда бу тугмалар ҳар хил амалларни бажаради.

11

стол усти, планшетли ва рангли сканерлардир.

Плоттерлар — бу, компютердан чиқарилаётган маълумотларни қоғозда расм ёки график кўринишда тасвирлаш имконини берувчи қурилмадир. Одатда уни график ясовчи (графопостроитель) деб ҳам аташадди.

Юқоридаги қурилмалардан ташқари, компютерга маҳаллий тармоққа уланиш имконини берувчи тармоқ адаптери, диджитайзер, яъни электрон планшет, джойстик, видеоглаз, рақамли фотоаппарат ва видеокамера каби қурилмалар уланиши мумкин.

Клавиатура. Маълумотларни киритиш қисми. Клавиатуралар тугмалар сони (101-109 тугмали) бўйича фарқланади. Охирги йиллар бозорларга мултимедия клавиатуралар чиқа бошлаган. Уларда қўшимча компютер ва товушни бошқариш тугмалари қўшилган. Бу клавиатураларда қўшимча имкониятлар ҳам мавжуд. Клавиатура ёрдамида биз асосан маълумотларни киритамиз. Клавиатура ҳарфлар жойланиши бўйича инглиз (QWERTY) ва француз (AZERTY) стандартларига бўлинади.



10

Йўналиш тугмалари: Курсор жойланишини ўзгарилади. Курсорни битта белги чапга, юқorigа, ўнгга ва пастга силжитиш.

Ёрдамчи тугмалар: Home — сатр бошига ўтиш. End — сатр охирига ўтиш. PgUp — бир саҳифа юқorigа ўтиш. PgDn — бир саҳифа пастга ўтиш. Insert — белгиларни ўчириб устига ёзиш ёки уларни силжитиб ўртасига ёзиш ҳолатини ўрнатиш. Delete — кейин (ўнгга) жойлашган битта белгини ўчириш.


Рақамлар тугмалари: Рақамларни киритиш учун клавиатура. 0-9 гача рақамлар ва /, *, -, + белгилари ишлатилади.

Сичқонча. Амалларни танлаш қисми. Сичқончалар тугмалар сони (2 ва 3 тугмали) ва ишлаш ҳолатлари (трекбол ва сенсор панел) бўйича фарқланади. У 3 хил бўлади: стандарт, трекбол ва сенсор панел. Стандарт сичқончалар стол устида ишлатиш зарур бўлган, сенсор панел билан, трекболлар эса ноутбуклар учун яратилган ва улар пастки панели ичига ўрнатиш бўлади.


Сичқончанинг иккита тугмасидан чап тугмаси асосий, ўнг тугмаси эса ёрдамчи бўлади. Асосий тугма билан биз тугмаларни босамиз, амалларни танлаймиз, расм чизамиз ва ҳар хил объектларни чўзиб жойини ўзгаришамиз. Ўнг тугма эса бизга ёрдамчи менюни экранга чиқаришда ёрдам беради.

Актив колонкалар. Мусиқа ва ҳар хил товушларни чиқариш қурилмаси. Актив колонкалар динамик-

12



Контроллер ёки адаптерлар — улар ҳар хил ташқи қурилмалар ишини таъминлайдилар. Ишлаш ҳолатлари билан фарқланади (видео плата, товуш плата, тармоқ платаси ва ...).



Она платаси Mother board — асосий электросхема бўлиб, унга процессор, тезкор ва кэш хотира микросхемалари, контроллер ва адаптер электросхемалари ўрнатилади, қаттиқ диск ва диск юритувчилари уланади.

15

лар сони бўйича фарқланади. Soundbufferлар ҳам актив колонкаларнинг бир кўриниши бўлиб, улар кучлироқ овоз тарқатиш қувватига эга бўлади.

Тизим блоки бу компютернинг энг асосий қисми. Унинг ичида она платаси, микропроцессор, қаттиқ диск ёки винчестер, тезкор ва кэш хотира микросхемалари, электрон схемалар ёки контроллерлар ёки адаптерлар, электр таъминловчи блок ва диск юритувчилари жойлашади. Бу тизим блокка ҳамма ташқи қурилмалар боғланади ва у уларнинг ишини таъминлайди.

Тизим блокнинг асосий қисмлари:



Микропроцессор ёки процессор — компютернинг мияси. Компютер ишини бошқариш, барча ҳисоб-китоблар ва буйруқларни бажарилишини таъминлайди. У кичкина, тўртбурчак электрон схема секундига бир неча юз миллион амалларни бажаради. Унинг тезлиги мегагерцларда ҳисобланади ва процессор номидан кейин ёзилади, масалан, Pentium 700.

Қаттиқ диск ёки винчестер — Доимий хотира. Маълумотларни доимо сақлаш учун фойдаланади. У



13

MINI-FUTBOL

Сўнги тайёргарлик

Осиё чемпионати тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон футбол терма жамоаси "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Озарбайжон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувларини ўтказди.

Биринчи баҳс дуранг натижа билан якунига етди. Вакилларимиз гарчи икки тўп фарқи билан олдинга чиқиб олишган бўлса-да, сўнги дақиқаларда рақиб ҳужумларини ўтказиб юбориб, галабани қўлдан бой беришди.

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – 3:3

Голлар: Ризван Фарзалиев 3 (0:1), Фахриддин Самигов 11 (1:1), Дилшод Ирсалиев 22 (2:1), Дилшод Ирсалиев 30 (3:1), Радик Аҳмедов 37 (3:2), 40 (3:3)

Бир кун ўтиб ўтказилган иккинчи ўртоқлик учрашувда баҳс терма жамоамизнинг устунлиги остида ўтди ва аввалгисидан фарқи равишда вакилларимиз майдондаги устунлиқни ҳисобда ҳам акс эттира олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – 4:2

Голлар: Шухрат Тожибоев 5 (1:0), Борисов 14 (1:1), Дилшод Ирсалиев, 15 (2:1), Борисов 23 (2:2), Фахриддин Самигов 32, Жамолддин Шарипов 38.

Эслатиб ўтамиз, мини-футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати 23-30 май кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида ўтказилади.



BOKS

Халқаро турнир

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирнинг чорак финал баҳслари ўтказилди.

Вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида ҳамюртимиз Элшод Расулов қирғизистонлик Чингиз Борбашевга ҳеч қандай имоният қолдирмади ва учинчи раундда мутлақ устунлик билан галаба қозониб, ярим финалга йўлланма олди. Умидли спортчимиз Маъруф Соипов эса эронлик Ҳасан Каркардини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вазни 91 килограммдан ортиқ спортчилар ўртасидаги баҳсда Сардор Абдуллаев эронлик Руҳолан Хусайни устидан 4:2 ҳисобида зафар кўчди.

Шунингдек, Ҳ.Авазов, М.Абдуллаев, Н.Қосимов, А.Эргашев, К.Аҳмедов, Б.Айтбоев, Д.Раҳимов, Ф.Гойибазаров, Ж.Латилов, Р.Жўраев, Ж.Асқаров, А.Маҳмудов, Ш.Исҳоқов, Р.Тошматов, Р.Султонов, А.Шарилов, Ш.Хўжабеков, Б.Султонов, Ё.Назирова, У.Холмуродов, Р.Бегиев, Н.Абдурафиқов, Ш.Абдуллаев, А.Қурбонов ва М.Саидовлар ҳам турнирнинг ярим финал баҳсида иштирок этади.

FUTBOL

Месси «Олтин бутса» соҳиби!

Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионел Месси Европа миллий чемпионатлари тўпурарида топширилувчи «Олтин бутса» совринига сазовор бўлди.

Месси Испания Премеросида мавсум давомида 34 голга муаллифлик қилди ва тўпурарлар рўйхатида 68 очко жамғарган ҳолда биринчи ўринни қўлга киритди.

Айтиб ўтиш жоиз, Месси «Олтин бутса» соҳиби бўлиш билан бир қаторда, 1996-1997 йилги мавсумда миллий чемпионатда 34 бор, барча турнирларда 47 бор гол уришга эришган афсонавий Роналдонинг икки рекордини такрорлашга ҳам муваффақ бўлди.



ERKIN VA YUNON-RUM KURASHI

Полвонларимиз

медал билан қайтишди

Деҳли шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг йигирмага яқин давлатидан келган курашчилар орасида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари муваффақиятли қатнашди.

Эркин кураш беллашувларида Насибулла Қурбонов кумуш, Ихтиёр Наврўзов бронза медалга сазовор бўлди.

Юнон-рум курашчиларимиз – Санжарбек Жумашев, Михаил Всеволод ва Нуъмонжон Абдуллаев учинчи ўринни эгаллади.

TRAMPOLIN

Мамлакат биринчилиги

Республика олимпия захиралари коллежида трамполин бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Батугда сакраш бўйича хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада Олимпиада ва жаҳон чемпионати совриндори Екатерина Хилкова еттидан топилмади. Қолган совринли ўринлар ҳам пойтахт вакиллари – Анна Савкина ва Сайёра Тожибоевага nasib этди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда пойтахтлик спортчилардан Павел Ситкин биринчи, Евгений Синагатулин иккинчи ўринни эгаллади. Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилган Моҳирбек Олимжоновга учинчи ўрин nasib этди.

Батугда синхрон сакраш бўйича тошкентлик Марат Синхрон ҳамда Хусанбой Жонибеков дуэти шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан "O'ZBEKISTON KABEL SISTEMALARI" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000876 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 10 майдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"DILDORA-F" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000977 рақамли;

"ИВЦ" ишлаб-чиқариш масъулияти чекланган жамиятнинг (Навоий вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002339 рақамли;

"БОКИЕВ ЭЛМУРОД ИСМАТОВИЧ" фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002434 рақамли;

"OMEGA-GRAND-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001192 рақамли;

"ALOQA VA TOZA ENERGIYA TEXNOLOGIYALARI" шўъба корхонасининг (Тошкент ш.):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001757 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001906 рақамли;

"NAMANGAN TELEVEST" хусусий корхонасининг (Наманган ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабели телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002474 рақамли;

"ТИНИШЛИК" фермер ҳўжалигининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002735 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 14 майдан тугатилди.

"Servis va Komputer Sistemalari" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001049 рақамли;

"OSIYO-FOTO" хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001194 рақамли;

"RAJABBOY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001541 рақамли;

"PEYJING-PORT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шахсий радио-қақирув (пейжинг) тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000938 рақамли;

"AXRORXON TEX SERVIS" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002018 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 17 майдан тугатилди.

ЭЪЛОН

Акмал Мўминов номида 2007 йил, 2 июнида берилган О'Р-Ш 0763936 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Компютер тизимлари" кафедраси профессори Ришат Усмоновга онаси

Ҳакима Усмонованинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси "Информатика ва компютер графикаси" кафедраси катта ўқитувчиси Фахриддин Қосимовга отаси

Подшошул ота ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали жамоаси Учинчи Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бошлиғи Алишер Эгамқуловга онаси

Саодат аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎзАААнинг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси "ШАК" филиали 3-ШМАТБ бошлиғи Алишер Эгамқуловга онаси

Саодат аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

RIVOYAT

Уни қўрқмас саркарда дейишарди. Бунга сабаб ундаги жўмардлик ва жасорат хислатлари эди. Юртга ёв бостириб келаётган бўлса, у биринчилардан бўлиб ҳимояга отланар, урушнинг олдинги сафларида жанг қилиб, душманга қирон келтирарди. Унинг шер каби наъра тортиб, қўлида ўткир қилич билан ёғий томон ташланишини кўрган душман аскарлари тумтарақай қочиб қолишарди. У юртдошларининг фахру ифтихори эди.

Юртга навбатдаги ёв бостириб келаётганлиги ҳақидаги шумхабар бир зумда барча хонадонларга етказилди. Саркарда ҳам ҳар доимгидай биринчилардан бўлиб юрт ҳимоясига отланди. Ўзининг юксак шижоати билан ёвнинг чекинишига муносиб ҳисса қўшди. Жанг тугагач, аскарлар бир дам ором олгани ўтирилди. Шунда улардан бири:

ОНА
ДУОСИ

— Тақсир, сиз бугун ҳар қачонгидан бошқача жанг қилдингиз. Бунинг сабабини тушунмадим, — деди бироз хижолатлик билан.

— Мен ҳар доимги шашт билан жангга кирдим. Саволингиз сабабини тушунмадим, — деди саркарда ҳайратомуз.

— Сиз доимо жангга совутсиз кирар эдингиз. Бундан ташқари, ҳимояга кўп ҳам эътибор бермасдингиз. Бугун эса эгинингизда қалин совут, яна жуда эҳтиётлик билан жанг қилдингиз.

Аскарнинг саволидан сўнг саркарданинг кўзларидаги чақноқлик ўрнини мунг

эгаллади.

— Гапингиз тўғри, биродар, — деди у маъюслик билан. — Илгари ҳеч нимадан қўрқмаган ҳолда ёғий томон ташланардим. Сабаби унда онам ҳаёт эди. Муштипар онажоним яқинда бу дунёни тарк этди.

— Онангизни Аллоҳ раҳмат қилсин. Лекин у киши вафотининг жангга нима алоқаси бор? — сўзида давом этди аскар.

— Онам ҳар урушга кетишим олдилан менинг ҳаққимга дуо қилиб, Аллоҳдан мени соғ-саломат сақлашини сўрар эди. Онаминг дуолари тўғайли Аллоҳ мени асрашига ишонардим. Энди эса дуо қиладиган онажоним йўқ. Шу сабаб совут кийишга, ўзимни эҳтиёт қилишга мажбурман.

Саркарданинг бу сўзлари барчани ўйлантириб қўйди.

Г.ҲАЙДАРОВА

BILIMINGIZNI
SINAB KO'RING

Барчамиз юқори қувватли электр сими устида ўтириб олиб, тинмай чугурлашаётган қушларни кўп бора кўрганмиз. Айтинчи, қушларни нима учун ток урмайди?

Газетанинг 14 май 20(921) сонидagi "Пулт ихтирочис ким? саволига жавоблар:

— Масофадан туриб телевизорни бошқарадиган пултни 1956 йилда Роберт Адлер ихтиро қилган. Бу ихтироси учун у Америкада ўтказилган радиомухандислик институтининг "Буюк технологик ютуқлари учун" номинациясида "Эмми" мукофотини олган.



Баҳодир ЖАМОЛОВ
Андижон вилояти

— Телевизорни бошқарувчи дастлабки пултларни 1956 йилда Роберт Адлер ихтиро қилган. Кейинроқ Адлер ўз ихтиросида унтраговушдан фойдаланишга қарор қилди ва ҳозир биз фойдаланаётганимиз пултларни кашф қилди. Умуман, пултлар борасида Адлер 60та патент олган.

Моҳира МАЖИДОВА
Қашқадарё вилояти

ГАП ЁШДА
ЭМАС

● Ўзбекистон халқ артисти Қамара Бурнашева саҳнага 1934 йилда 13 ёшли қизалоқ чоғида чиққан. 1945 йилда Андижон ёш томошабинлар театри республикада биринчи бўлиб Шекспирнинг "Ромео ва Жулетта" асарини саҳналаштирди. Трагедиядаги 14 ёшли Жулетта ролини актриса 24 ёшга кирган чоғида ўйнаган.

● Буюк Моцарт ўзининг биринчи асарини уч яшарлигида басталаган. 12 ёшида эса "Бастен ва Бастена" операсини яратган. Унинг бу асари ҳалигача бадиий қимматини йўқотмаган.

● А.С.Пушкин "Руслан ва Людмила" поэмасини 17 ёшида ёзиб тугатган. Ф.Шиллер бу ёшга тўлар-тўлмас дунёга машҳур "Қароқчилар фожиаси"ни ёзган.

● Пеле 29 ёшида рақиблар дарвозасига 1000дан ортиқ тўп уриб, афсонага айланганди. 1979 йилда эса шарҳловчилар ва журналистлар Пелега 178 балл бериб, уни асрнинг биринчи спортчиси, деб тан олдилар. Футбол қиролига баландлиги 80 см. келаётган 23 кг. оғирликтаги ҳайкал топширилди.

XALQ TABOVATI

Манатингизни
тозалатмоқчимисиз?

Бунинг йўли осон. 5 грамм дафна (лавр) япроғини 1 стакан қайноқ сувда, яхшиси термосда дамланг. 3-4 соат давомида яхшилаб тиндиргач, кун давомида бир ҳўпландан ичинг. Унутманг, дафна дамламаси томирлар ва бўғимлар ишига яхши таъсир қилиб, уларда тўпланиб қолган чиқинди ва ортиқча тузлардан халос қилади.



XANDA

Ишим бош билан

— Бемор, тезда ёзиб берган дориларимни ича бошлашингиз керак. Шунинг унутманг, сизга бош билан ишлаш мумкин эмас.

— Жаноб доктор, бунинг иложи йўқ. Менинг ишим фақат бош билан.

— Нима, ёзувчи ёки олиммисиз?

— Йўқ, сартарошман.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҶЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтаининг
Жума кунини
чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-402 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қороз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Адади: 16940 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 233-80-20,
236-35-29.

Факс: 236-36-42.

E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслимдин БҶРИЕВ.
Навбатчи: Усмонов ЙҶЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳаррири:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
223-27-85

Гулистонда
40-12-19

Жиззахда
226-06-34

Навоийда
225-91-10

Наманганда
226-61-85

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
233-61-81

Термизда
224-06-12

Тошкентда
233-36-48

Урганчада
226-37-16

Фарғонада
226-87-71

Қаршида
314-08-99